

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТА’ЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

**“САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЕТИШ ВА
ИҚТИСОДИ”КАФЕДРАСИ**

ХИМОЯГА РУХСАТ ЕТИЛДИ

ФАКУЛТЕТ ДЕКАНИ

К.Ж.Маткаримов

“ ” 2018 йил

“МАРКЕТИНГ ”ТА’ЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БИТИРУВЧИ

АБДУЛЛАХУЖАЕВ КАМОЛИДДИН АЛИХУЖА ЎҒЛИНИНГ

“ЯНГИҚЎРҒОН ТУМАНИДА АСАЛАРИЧИЛИКНИ

РИВОЖЛАНТИРИШДА МАРКЕТИНГ ТАМОЙИЛЛАРИДАН

Фойдаланиш” МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БИТИРУВЧИ; АБДУЛЛАХЎЖАЕВ КАМОЛИДДИН _____
(имзо)

ИЛМий РАХБАР; профессор АХМАДЖОН СОЛИЕВ _____
(имзо)

НАМАНГАН- 2018 йил

Мундарижа

	Кириш.....	3
I Боб	Тадбиркорлик ва бизнеснинг назарий ва ҳуқуқий асослари	
1.1	Тадбиркорлик ва бизнеснинг назарий тушунчалари.....	7
1.2	Маркетинг ва унинг тадбиркорлик ҳамда бизнес фаолияти ривожланишидаги ўрни.....	17
1.3	Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг ҳуқуқий асослари.....	27
II боб	Янгиқўрғон туман иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши тахлили	
2.1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг туман иқтисодиётида тутган ўрни.....	36
2.2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалигида ривожланиши	45
2.3	Туманда асаричиликни ривожланиши тахлили	48
III Боб	Туманда асаричиликни истиқболлари	
3.1	Туман иқтисодиётининг 2017-2021 йилларда ривожланиш бўйича ҳаракатлар стратегияси.....	56
3.2	Туманда асарлари ва унинг маҳсулотини бозорларда сотиш усулларини ривожлантириш.....	65
3.3	Асаричилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнида чет эл мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш тажрибасидан фойдаланиш.....	76
	Хулоса.....	85
	Фойдаланилган адабиётлар.....	88

Кириш

Битирув малакавий ишининг мавзуни долзарблиги.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар стратегияси иқтисодиётнинг ҳамма бўғинларида янги хўжалик муносабатларини мажмуавий ривожлантириш, бошқарувнинг эгилувчан ва мослашувчан тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган талабларини тўлароқ қондиришдан иборатдир.

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг ажралмас, муҳим тармоғи бўлиб, асалари оилаларини қўпайтириш, асал, мум, гулчанги ва бошқа асаларичилик маҳсулотларини етиштириш, қишлоқ хўжалик ўсимликларини чанглантриб, ҳосилдорликни ошириш ва мева, резаворлар ҳосили сифатини яхшилаш билан бир қаторда ўруғчилик хўжаликларида уруғлик унумли ва сифатли бўлишида асалариларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Шунинг учун, Мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш ва қўпайтиришга катта эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикада асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан асал етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини қўпайтиришга, асалари пакетлари билан хўжаликларни таъминлашга, асал етиштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган 2017-2021-йилларда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу қарорга мувофиқ асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017-йилдаги 15,4 минг тоннадан 2021-йилга бориб 23,7 минг тоннагача етказиш назарда тутилган.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши асаларичиликнинг барча соҳасини қамраб олган ҳолда, унинг жадал

ривожланишини таъминловчи ягона бошқарув тизимини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, асал етиштириш ҳажмларини кескин кўпайтириш, республика аҳолисининг асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини беради.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017-йилга келиб Республикамизда асаларичилик соҳасида 12,5 мингдан ортиқ тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Асаларичилик хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Аксиядорлик-тижорат “Алоқабанк” томонидан 30 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Аҳолининг асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2017-йилда 15,4 минг тонна асал етиштирилди. Бу 2016-йилга нисбатан 1,3 марта кўпдир.¹

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, асал ишлаб чиқариш бўйича мавжуд имкониятлардан самарасиз фойдаланиш асаларичилик тармоғининг энг заиф бўғини ҳисобланади. Натижада асалари оилаларининг маҳсулдорлиги 20 килограмдан ошмайди, бу жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан ҳам пастдир. Асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, асал етиштиришнинг замонавий технологияларини кенг жорий этиш ва юқори технологик усулларида фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда самарали савдосини йўлга қўйиш бораси каби масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Битирув малакавий ишининг муаммосини ўрганилганлик даражаси. Президентимиз Ш.Мирзиёевларнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, ҳамда ушбу соҳа бўйича чет эл олимларидан Н.Ф Кратин, Ш.Рогов Н.Ф Крахотин, М. С Подольский, Г. А Котова , А. А Буренин, Ю.Н Кирьянов, Н.Р Кривцов, В.Лебедев Е.П Колосова Х Пўлатова илмий ишлар олиб борган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида маркетинг тамойилларида

¹ www.asalchilik.uz/index.php?page=2

фойдаланиш масалалари бўйича: Абдуллаев Ё., Каримов Ф, С.С Ғуломов, Б.Ю Ходиев “, А.Солиев, С.Бузрукхонов, Ш.А Султонов, Б. Р Матжонов, Б. Ш Мавланова, Т.И Бобакулов, И.М Алимардонов, И.М Алимардонов, И.М Алимардонов ва бошқаларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият эга деб ҳисоблаймиз.²

Битирув малакавий ишининг мақсади. Янгиқорғон туманида асаричиликни ривожлантиришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалари белгиланди:

- Тадбиркорлик ва бизнеснинг назарий асосларини ўрганиш;
- Маркетинг ва унинг тадбиркорлик ҳамда бизнес фаолияти ривожланишидаги ўрнини очиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг ҳуқуқий асослари ва унинг моҳиятини ёритиб бериш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг туман иқтисодиётида тутган ўрнини таҳлил этиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалигида ривожланишини ўрганиш;

² Р.Х.Пўлатова “Асаричилик фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш” Т.2016, Н.Ф Кратин , Ш.Рогов “Ўзбекистонда асаричилик” Т.: Фан, 1980, Крахотин Н. Ф. и др. Механизация пчеловодства и па-сечной инвентар. – Т.: Мехнат, 1987, Подольский М. С., Котова Г. А., Буренин А. А. Прамиш-ленное пчеловодства. – М.: Высшая школа, 1984, Т.Ш Акмалхонов “ Асаричилик” – Т., 2000., Кирьянов Ю.Н. “Пчеловодный инвентарь и пасечное оборудование: учеб. для сред. спец. учеб. заведений” Мир, 2004, Кривцов Н., Лебедев В. Проблемы экологии и развития пчеловодства России адабиётлари ҳамда Е.П. Колосова “Повышение эффективности человодства” , В.Н.Кулаков “Медоносные ресурсы и перспективы развития пчеловодства российской федерации” диссертация Абдуллаев Ё., Каримов Ф. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари” Т 2010, Ғуломов С.С. “Тадбиркорлик асослари” Т 2011, Ходиев Б.Ю “Кичик бизнесни бошқариш” Т 2010 , Солиев.А., Бузрукхонов. С “Маркетинг-бозоршунослик” Т 2010, Султонов Ш.А.” Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши” Т 2010, Матжонов Б. Р, Мавланова Б. Ш “Минтақанинг экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли” номли китобларида ҳамда Бобакулов Т.И, Алимардонов И.М “Кичик бизнес субъектларини экспортини ошириш долзарб муаммолари” мақоласи, Алимардонов И.М “Рақаботбардош кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли” мақоласи, Алимардонов И.М “Кичик бизнес субъектларининг макроектисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини янада ошириш йўллари” мақолалари

- Янгиқўрғон туманида асараричиликни ривожланиши таҳлил қилиш;
- Туман иқтисодиётининг 2017-2021 йилларда ривожланиш стратегиясини ёритиб бериш;
- Туманда асарари ва унинг маҳсулотини бозорларда сотиш усуллари ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш;
- Асараричилик маҳсулотларини сотишда маркетинг стратегиясидан фойдаланиш бўйича илмий –услубий тавсиялар беришдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Янгиқорғон туманида асараричилик билан фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари танлаб олинди.

Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб Янгиқорғон туманида асараричилик билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркор субъектлари бозор фаолияти ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг янгилиги ва амалий аҳамияти. Ишда вилоятимизда илк бор асараричиликни ривожлантириш ва унинг муаммолари маркетинг нуқтаи назаридан ўрганилди. Асараричиликни ривожланиши янги асарари навларини кўпайтириш, учунамалга ошириладиган ишлар, техника воситаларидан фойдаланиш, чет эл тажрибасини ўрганиш сотиш усуллари, рекламаларини йўлга қўйиш масалалари кўрсатиб берилган.

Хулосаларни қўллаш бўйича тавсиялар.

Битирув малакавий ишни хулосаларидан фойдаланиш йўллари асараричилик соҳасидаги жисмоний ва юридик шахслар фаолиятида босқичма босқич амалга ошириш мумкунлиги Янгиқўрғон туман хокимлиги томонидан берилган тақризда тасдиқлаб берилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб Тадбиркорлик ва бизнеснинг назарий ва ҳуқуқий асослари

1.1 Тадбиркорлик ва бизнеснинг назарий тушунчалари

Мамлакатимизда ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш ҳамда аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигининг барқарор ўсишига имкон берувчи фаол тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишга, фан ва инновацион фаолият жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон тарихида илк мартаба Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожатномасида 2018 йилни **«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш»** йили деб эълон қилишлари мамлакатимизда фуқароларнинг фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни, замонавий ёндашувлар, илғор технология асосида ташкиллаштириш бош масаллардан бири бўлди. Тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш билан бирга, тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кенг ҳимоя қилиш бош вазифа этиб тайинланди.

Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, янги замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий фўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз

рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт.³ Бу эса мамлакатимизда фаол тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилаётганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда **“бизнес”, “кичик бизнес” ва “тадбиркорлик”** каби тушунчалар кенг тарқалиб бормокда. Авваламбор “бизнес” тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтсак. **Бизнес** - бирор фаолият (иш) юзасидан бўлган муносабат, аниқроғи ишбилармонларнинг иқтисодий муносабатларидир.

Бизнес - муносабат сифатида бир қатор белгиларга эга: бизнесчилар ўз манфаатларига эга, фойда олишга интиладилар, ҳатто хатарли ишга қўл уришга ҳам тайёр, ташаббускор, ишнинг сиру-асрорларини биладиган, ўзаро иқтисодий алоқалар маданиятини эгаллаган бўладилар. Уларнинг алоқалари ҳамма иштирокчилар учун наф келтиради. **Бизнесмен** - капитал эгаси, мулкдор, мулкни купайтиришга интилувчи шахс. **Бизнес** - бу рухсат этилган, жамият аъзоларига наф келтирувчи фаолият билан шуғулланиб, пул даромад топишни билдиради.⁴

Бизнес кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир. Бизнеснинг моҳияти айрибошладир. Пулни товарга ва янада кўпроқ пулни, яъни фойдаси билан қайтган пулни товарга айирбошлаш бизнеснинг моҳиятини кўрсатади: П —»Т —П —»Т .

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

⁴ Жалолов Ж.Ж. ва бошқалар. Бизнес маркетинги. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт, 2012 й.

Тадбиркорлик тушунчаларни ҳозирги маъносида биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси **Ричард Кантлон** қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси **Ж.Б.Сей** (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди. У Англия саноатининг муваффақиятини «инглиз тадбиркорлари истеъдоди» таъминлаганлигини таъкидлаган эди. Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир. Тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади.

Машҳур америкалик иқтисодчи **Й. Шумпетер** (1883-1950) ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси» китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган.⁵ Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Функцияси янги комбинация-ларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаيمиз». Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотиغا сазовор бўлган (1974) инглиз иқтисодчиси **Фридрих Фон Хайн** (1899-1984) бошқача ёндашган. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, хатти-ҳаракатларни таъминлашдир.⁶ Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади.

⁵ Й. Шумпетер. Теория экономического развития. М., 1982.

⁶ Ф.Хайн. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журналы, 1989. 12-сон.

Америкалик олим *Р.Хизрич*, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс»⁷, - деб таъкидлайди.

Тадбиркорлик – (ингл. enterprise) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкӣ масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор (фрн. entrepreneur) қонун томонидан тақиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

Шундай қилиб, *Тадбиркорлик фаолияти*-тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.⁸

Тадбиркорлик, кўпчилик иқтисодиётчи олимлар фикрича - ҳар қандай соҳада ҳам эскича ёндошиш чегарасини бузиб ўтиш, янги имкониятларни излаш, сармоя(капитал) сарфлашни янги йўналишларини топиш, янги техника-технологияни қўллаш жараёнини ифодалайди. Ана шу ғоя асосида, тадбиркорликни фақат фойда олишга қаратилган фаолият эмас, балки кенгроқ маънодаги жамиятнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бўғинларида узлуксиз янгиланиб турадиган шахсий, ижтимоий гуруҳ ва жамият эҳтиёжларидаги ўзгаришларни англаш ва улар талабини қондиришга йўналтирилган инсон фаолияти деб қараш лозим. Шунинг учун

⁷ Р. Хизрич., С. Питерс. Предпринимательство. М., 1991, 20-бет.


⁸ «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг қафолатлари туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Тошкент ш., 2012 йил 2 май ЎРҚ-328-сон

тадбиркорлик инсонлар фаолиятининг барча соҳаларига мансуб жараён бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида ўзига ҳос хусусиятларга эга.⁹

Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги усуллари ёки янги технологияларини тадбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Тадбиркорнинг ўзи тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъекти бўлади. Аммо тадбиркор ягона субъект эмас, ҳар қандай ҳолда у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси ҳамда ҳар хил вазиятларда ёрдамчи ёки рақиб сифатида бўлувчи давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Истеъмолчи ҳам, давлат, ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига кирадилар.

Тадбиркор етарли даражада молиявий манбаларга, маълумотга, малакага эга бўлиши керак, солиқ имтиёзлари берилиши керак.



1.1.1-расм.Тадбиркорлик шакллари

⁹ А.Солиев. Маркетинг –Бозошунослик Тошкент 2010

Хусусий тадбиркорлик - алоҳида шахс ёки корхона томонидан ташкил этилади мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шаклларига тегишлидир, ишлаб чиқаришда ёлланма меҳнат қўлланилади.

Шахсий тадбиркорлик__- шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнат асосида амалга ошириладиган фаолиятдир, даромад солиғи тўлайди. Бу фаолият одатда кичик магазин хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар, деҳқон хўжаликлари ҳамда ҳуқуқшунос ва хоказолар. Тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий шаклларида куйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Тадбиркорлик қўплаб соҳадаги фаолиятдир. Жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик, тижорат, савдо-сотиқ, воситачилик, инвестиция соҳаларида, маслаҳат бериш, хизмат кўрсатиш ва молиявий фаолиятда тадбиркорлик амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади фойда олишдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар қандай фаолият асосида фойда олиш ётади. Тадбиркорликни бошқа фаолият турларидан фарқ қилишда «фойда олишга йўналтирилган фаолият»нинг ўзигина етарли бўлмайди. тадбиркорликни қатор ўзига ҳос белгилари мавжуд бўлиб, тадбиркорликни тавсифлашда ушбу белгилардан фойдаланиш лозим деб ҳисоблаймиз. Улар сафига куйидагиларни киритиш мумкин:

1. Мустақил фаолият юритиш. Мустақиллик.
2. Масъулият
3. Таваккалчилик
4. Топқирлик
5. Ҳаракатчанлик
6. Узлуксизлик
7. Олдиндан кўра билиш
8. Рағбат.

Ушбу белгиларнинг барчасини биргаликда, комплекс равишда тадбиркорлик деб аташ мумкин.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

Яқка тартибдаги тадбиркорлик – алоҳида фуқаролар томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкый жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолияти.

Микрофирма – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектлари қуйидагилар.

1. Кичик корхоналар.
2. Микрофирмалар.
3. Дехқон хўжалиги.
4. Фермер хўжалиги.

5. Хусусий тадбиркорлар.

Хусусий тадбиркорлик – бу фукаролар (алоҳида фукаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкый жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий тадбиркорлик якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорликдан фарқи шундаки, бу ерда фаолият кўрсатувчилар ўз фаолиятини ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар. Улар юридик шахс сифатида иш кўрадилар ва ўз корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказишга мажбурдирлар.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг энг оддий шакли бўлиб, уни ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикада хусусий тадбиркорлик тўғрисида Низом” билан белгиланади. Ушбу Низомга мувофиқ якка тадбиркор ўз фаолиятини юридик шахс ташкил қилмай амалга ошириши мумкин. Якка тартибдаги тадбиркорлар одатда майда ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ўз навбатида икки турга бўлинади:

-шахсий тадбиркорлик;

-биргаликдаги тадбиркорлик.

Шахсий тадбиркорлик тушунчаси “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасида қуйидагича баён этилади: “Шахсий тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркорликни ўзи томонидан мулк ҳуқуқида, шунингдек, мулкка эгалик қилиш (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга мулкый ҳуқуқ туфайли

ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади”.

Тадбиркорлик, кўпчилик иқтисодиётчи олимлар фикрича - ҳар қандай соҳада ҳам эскича ёндошиш чегарасини бузиб ўтиш, янги имкониятларни излаш, сармоя(капитал) сарфлашни янги йўналишларини топиш, янги техника-технологияни қўллаш жараёнини ифодалайди. Ана шу ғоя асосида, тадбиркорликни фақат фойда олишга қаратилган фаолият эмас, балки кенгроқ маънодаги жамиятнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг бўғинларида узлуксиз янгиланиб турадиган шахсий, ижтимоий гуруҳ ва жамият эҳтиёжларидаги ўзгаришларни англаш ва улар талабини қондиришга йўналтирилган инсон фаолияти деб қараш лозим. Шунинг учун тадбиркорлик инсонлар фаолиятининг барча соҳаларига мансуб жараён бўлиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларида ўзига ҳос хусусиятларга эга.

Тадбиркорлик фаолияти турлари хилма-хилдир. Фаолият мақсади, тури ва қишлоқларига қараб тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва консалтинг турларини ажратиш мумкин.

Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги. Ишлаб чиқариш тадбиркорлигини тадбиркорлик фаолиятининг асосий тури деса хато бўлмайди. Зеро, бундай тадбиркорлик фаолияти туфайли маҳсулот, товарлар ишлаб чиқарилади, хизмат кўрсатилади, маълум маънавий қадриятлар юзага келади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида ***тижорат тадбиркорлиги*** яхши ривожланди. Агар ишлаб чиқариш корхона самарадорлигининг 10-12% ини ташкил этади, тижорат фаолияти эса бу кўрсаткични яна 20-30%га оширади.

Молиявий тадбиркорлик, тадбиркорлик соҳасининг алоҳида олинган турига киради. Унинг фаолият соҳаси қийматларнинг алмашилиши ва алмаштирилишидан иборат. Молиявий фаолият ишлаб чиқариш, тижорат

соҳасини ҳам қамраб олиши мумкин. Шунингдек, молиявий тадбиркорлик мустақил банк ва суғурта муассасалари шаклида ҳам фаолият юритади.

Мадбиркорнинг асосий мақсади – ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга бўлган бозордаги талабни аниқлашдан иборатдир. Тадбиркор ўз истеъмолчиларини шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак:

- товарнинг янгилиги ва унинг харидор манфаатига мос келиши;
- товар ёки хизматларнинг сифати;
- товар ёки хизматларнинг нархи;
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташқи кўриниши, унинг харидор талабига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товарлар ва хизматлар рекламасининг жозибалилиги, харидор диққатини ўзига жалб қилиши ва ҳоказо.

Тадбиркорлик шахсий ва ижтимоий фойдаларни кўзлаган ҳолда даромад олиш учун сарфланаётган маблағ билан боғлиқ фаолиятдир. Тадбиркорликка берилган ушбу таъриф батафсиллиги билан ажралиб туради. Бу таърифда тадбиркорлик фақат маълум фаолият билан шуғулланиш эмас, балки бевосита фаолият кўрсатишдан иборатлиги таъкидланган. Тадбиркорликка берилган қатор таърифларда энг муҳим ҳолат, яъни шахсий даромад билан ижтимоий фойданинг яхлитлик хусусияти кўрсатилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига қуйидагилар киради:

- хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Ҳуқуқий меъёрлар чегарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиши мумкин.
- иқтисодий манфаатлилик. Тадбиркорликнинг асосий мақсади максимал даражада даромад олишни кўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишдир.
- хўжалик таваккалчилиги ва масъулият. Ҳар қандай ҳисоб-китобда ҳам ноаниқлик ва таваккалчилик бўлиши мумкин.

1.2 Маркетинг ва унинг тадбиркорлик ҳамда бизнес фаолияти ривожланишидаги ўрни

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан тадбиркорликка кенг йул очиб берилганлиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб фирма ва корхоналар учун ишлаб чиқаришни бошқариш, маҳсулотни сотиш йулларини, мақсад ва вазифаларини маркетинг асосида таҳлил этиши учун шароитлар яратилди.

Дунёдаги глобаллашув ва байналминаллашув жараёнлари ўз тафтига(гирдобига) барча миллий давлатлар иқтисодиётларини ҳам тортиб, уларнинг жаҳон бозорларига чиқишига, рақобат курашларида қатнашишга ва ўзларини синаб кўришга имконият яратишмоқда. Аммо бу ўта долзарб ва қийин муаммоларни ҳал қилиниши учун бозор муносабатларини ривожланиш ва такомиллашиш жараёнида иқтисодиёт соҳасида шаклланган янги категориялар ва фанлар (бозор, маркетинг, логистика, менежмент ва бошқалар) бўйича илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва юқори малакали мўтахассислар тайёрлаш орқали амалга ошириши мумкин.

Барча корхоналарда бўлгани каби кичик корхоналарнинг ҳам ривожланиши учун маркетинг хизмати алоҳида ўрин тутди.

«Маркетинг» сўзи инглизча бўлиб, унинг луғавий маъноси «маркет» - бозор ва «инг» - қўшимчаси — ҳаракат, фаолият маъносини англатади. Маркетинг иқтисодий атама сифатида бозорда маҳсулотлар ва товарларнинг

ҳаракат ва фаолиятини билдиради. Маркетинг кенг маънода айирбошлаш йўли билан эҳтиёж ва талабларни қондиришга йўналтирилган фаолият тури бўлиб, у бозордаги барча қатнашчиларни унинг мос мавжуд талабини шакллантирилади. Бозорнинг барча қатнашчилари бундай уюшишдан манфаатдор бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, маркетинг товар ҳаракатининг барча босқичларини ўз ичига олувчи талаб ва таклифни ўрганиш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини яратиш, сотиш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ турли хизматлар кўрсатиш ва истеъмолдан чиққандан сўнг утилизациялашни ташкил қилишдан бозор муаммоларини ечишда яхлит тизимли ёндашишдир.

Маркетинг XIX аср охири ва XX аср бошларида харидор талабини қондиришга мўлжалланган тизим сифатида вужудга келган. Мамлакатимизда эса маркетингдан фойдаланиш мустақилликка эришгандан сўнг бошланди. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётини танлаши билан маркетинг ривожланишига имконият яратилди.

Даставвал йирик, кейинчалик кичик корхоналар бозорни ўрганиш ва рақобат курашнинг бир усули сифатида маркетингдан фойдалана бошладилар.

Кичик бизнесда харидор ва хўжалик юритувчи субъектлар муносабатлари мажмуаси бўйича жавобгарлик тўғридан-тўғри маркетинг тизимига тегишли ҳисобланади.

Маркетингнинг функционал тизимларидан фойдаланиш кўп маблағ, ишчи кучи, иншоотлар, алоқа ва турли коммуникациялардан фойдаланишни тақозо этади.

Бизнинг кичик ва яқка тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг маҳсулотлар бозорига асосланган ташкилий тузилмасидан фойдалангани маъқул.

Кичик корхона раҳбарлари ва якка тадбиркорлар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, корхона маҳсулотларини сотишни таъминлаш учун маркетинг хизматидан фойдаланишда, албатта, маркетинг масалалари бўйича билим олиш, мутахассис ёллаши ёки маркетингга ихтисослашган фирмалардан маслаҳат олиб туришлари мумкин. Маркетинг хизмати турлари маслаҳат йўналишлари шартли равишда 1.2.1-чизмада кўрсатилганидек ёки соҳаларга қараб кенгайиб бориши мумкин.



1.2.1- чизма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда маркетинг хизмати турлари

Маркетинг – товарлар ва хизматлар бозорини олдиндан ўрганади ва у ерда яширин талабни топи шва уни қондиришни ўз зиммасига олдаи. Маҳсулотлар бозорини олдиндан ўрганиш сотиш учун эмас, сотиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришда ва маҳсулотларнинг омборларда туриб қолиши каби масалаларга ойдинлик киритади.

Умуман, кичик корхона раҳбарлари ва якка тадбиркорларни билишлари бўйича маркетингни билишлари ва маркетинг хизматидан фаол фойдалангани мақсадга мувофиқ. Бу эса корхонанинг келажагини таъминлайди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида қарор қабул қилиш ва уни ишлаб чиқишда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг самарали воситаси ҳамда асоси бўлиб маркетинг ҳисобланади ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқариш тизимида, уни ташкил этишда, режалаштириш ва назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади. «Ай-си-ай» концерни бошқаруви раиси Джон Ҳарви Джонс кичик бизнес ва тадбиркорликда маркетингни ўрнини тависфлаб шундай дейди, яъни «Маркетинг кичик бизнес ва тадбиркорликнинг таянч омилидир. Бу нафақат ёқилғи, балки кема командасидир.»¹⁰

Маркетинг асосида бозорни ҳар тарафлама ўрганиш йўналишларининг асосийларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш зарур:

- талабни ўрганиш;
- бозор таркибини аниқлаш;
- товарни ўрганиш;
- рақобат шароитларини тадқиқ қилиш;
- сотиш шакли ва услубларини таҳлил этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида маркетинг қуйидагиларни амалга оширади:

- бозорни ўрганишни;
- уни тақсимлашни;
- товарларни жойлаштиришни;
- маркетинг сиёсатини олиб боришни;
- товар сиёсатини;
- нарх сиёсатини;
- тақсимот сиёсатини;
- силжитиш (йўналтириш) сиёсатини;

¹⁰ Г.Л.Багиев и др. Маркетинг. Маркетинг. Учебник. –СПб.: Питер, 2008, с83.

- юксалиш, қўшимча хизматларни (Plus) - (бунга марка, сотишдан кейинги хизмат, кафолат ва техник ёрдам, етказиб бериш, ассортимент, шахсий истеъмол ва бошқаларни киритиш мумкин).

Маркетинг тадбиркорларни бозорда ишлаш услуги, бозор методологияси бўлиб, истеъмолчилар ва уларнинг талаб истакларини ўрганиш, уларга мос товарлар яратиш, нарх белгилаш, товарларни етказиб бериш, тақдим этиш, сотиш, хизмат кўрсатишни уюштириш усуллари, воситалари, тартиб-қоидалари мажмуи ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси биринчи асосий мақсадга талаб билан таклифни ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Маркетингни тадбиркорлик фаолиятини бошқарув тизимида бозор сегментацияси муҳим аҳамиятга эга ва бозорда талабни ўрганиш ёки маркетинглар атамаси билан айтганда *«истеъмолчини таҳлил этиш»*- бозорлар ҳолатини таҳлил этишдаги биринчи босқич ҳисобланади. У уч таркибий қисмга бўлинади: *бозор сегментацияси; истеъмолчи талаби сабабларини ўрганиш; қондирилмаган ехтиёжларни аниқлаш*. Бозор сегментацияси талабни қондиришга табақаланган ҳолда ёндашувга, товарларнинг тури, сифати ва миқдорига кўра ҳар хил талаб қўядиган истеъмолчиларни гуруҳларга ажратишда турли мезонлар қўллашга асосланади, яъни бозор бир жинсли ҳодиса тарзида эмас, балки айрим-айрим сегментлар мажмуи тарзида, ҳар бир сегмент доирасида алоҳида ўзига хос бир талаб намоён бўладиган ҳодиса тарзида олиб қаралади.

Бозорда харидорларнинг маълум бир товарга бўлган талаблари хилма-хилдир, ҳар бир харидорнинг ўзининг диди бор. Харидорнинг талаби, хоҳиши, ехтиёжи, турмуш тарзи, товар сотиб олишдаги ҳуқ-атвори ҳақидаги маълумотлар самарали маркетинг тадбирлари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини вужудга келтиради. Яъни бозор сегментацияси харидорларнинг талабига мувофиқ товарни таклиф этилишини ва товарга талабни катъийлигини таъминлайди.

Бозорни сегментлаш орқали, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар қуйидаги мақсадларни қўзлайди:

- истеъмолчиларни ҳошиш ва талабини максимал равишда ҳисобга олиш;
- товарни (хизматни) ва хўжалик юритувчи субъектни рақобатбардошлигини таъминлаш;
- хўжалик юритувчи субъектни ҳаражатларини оптималлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектни маркетинг стратегиясини самарадорлигини ошириш;
- рақобатчилардан холис бўлган сегментларга кетиш.

Сегментлашнинг асосий мақсади бозордаги хатти-ҳаракатларни ўрганиб, уларнинг образини (моделини) ва келажақдаги эҳтиёж талабларни тасаввур қилишдан иборат. Ҳозирги рақобатда ютиб чиқишнинг асосий шарти янги, юқори сифатли товар ва комплекс сервис техника хизматларни ҳамда самарали сотиш усулларини қўллашдан иборат бўлиб қолди. Ана шу талаблар асосида маркетинг тадқиқотларининг устувор тури истеъмолчиларни ўрганиш ва навбатида бозорни сегментлашдан бошланади, чунки бозор бир хил субъектлардан ташкил топган эмас.

Амалиёт шуни кўрсатадики, бозор муносабатларини тикланиши ва шаклланиши даврида тадбиркорлик тузилишида кўплаб корхоналар дифференциалланмаган маркетинг стратегиясини ушлаб турди. Бу стратегия фирмани харидорларни харид жараёни ва товарга бўлган муносабат ҳамда мотивациясидаги турли-туманликка эмас, балки харидор эҳтиёжларида қизиқишни умумийлигига мўлжални олади.

Бундай товарлар ва маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш орқали фирма ўз мақсадига харидорларни ўртача массасини қондириб эришиши мумкин. Стратегияни ишлатувчи фирмалар муваффақиятининг муҳим омили бўлиб стандартлаштириши ва товар ишлаб чиқаришни умумийлиги

ҳисобланади. Дифференциалланмаган маркетинг стратегияси маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда кам харажатларни таъминлайди. Бирок Х.Мефферт таъкидлаганидек, «бу стратегия замонавий маркетинг тамойилларига қарама-қарши туради».

Маркетингни замонавий концепциясида иккита стратегия кўрилади: дифференциалланган ва концентрланган маркетинг стратегияси.

Дифференциалланган маркетинг стратегиясида фирмадан унинг фаолиятини бир неча сегментда улар учун махсус ишлаб чиқарилган товарлар ва маркетинг дастурлари бўлишини талаб қилади. Бу стратегия харидорларнинг мотивлари ва тушунчаларига мос келувчи маркетинг дастури ва харидорларга мўлжалланган маркетингни асосий тамойилига мос келади. Бу стратегия харидорни бозордаги ҳолатини тўлиқ ифодалайди, шунинг учун, қоидага кўра, юқори сотиш ҳажмини ва концентрланган маркетинг стратегиясига нисбатан кичик таваккалчилик даражасини таъминлайди.

Дифференциалланган маркетинг стратегияси юқори инвестиция, ишлаб чиқариш ва бошқариш харажатларини талаб қилади, шунинг учун у йирик корхоналар учун зарурдир.

Концентрланган маркетинг стратегияси корхоналардан бозорнинг фойдани сегментига, яъни битта ёки бир неча сегментига эътиборни қаратишни талаб қилади. Бу бозор сегментига фирма битта ёки бир неча маҳсулот билан ҳамда мақсадли маркетинг дастури билан ёндошади. Уз мазмунига кўра бу стратегия бозор чуқурчаси концепциясига мос келади, яъни шундай бозор сегментида ишлаш керакки, товар ушбу фирма ва унинг етказиб бериш имкониятлари учун кўпроқ мос келувчи бўлиб ҳисобланади. Концентрланган маркетинг стратегияси кўпроқ кичик ва ўрта корхоналар учун мос келади, чунки бозорнинг барча сегментларида ишлаш учун ҳамда қайта этарли молиявий воситаларни бўлиши талаб етилмайди.

Тадбиркорликда маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади, унинг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланишнинг объектив сабаблари, зарурати билан белгиланди, ҳамда унинг мақсади нихоятда кенг ва мураккаб масалаларни ҳал қилишга қаратилгандир. У ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклифни мувозанатига эришган ҳолда, уни ташкил этган корхона, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг куйидаги муҳим вазифаларни ҳал этмоғи лозим:

- харидорлар (истеъмолчилар) эҳтиёжини ўрганиш;
 - товарларга бўлган ички ва ташқи талабларни ўрганиш;
 - корхонанинг фаолиятини харидорлар эҳтиёжига мослаштириш;
 - талаб ва таклиф тўғрисидаги олинган маълумотлар асосида бозорни ўрганиш;
 - товарлар рекламасини ташкил этиш, харидорларни товарларни сотиб олишга қизиқишини ошириш;
 - товар яратувчи ёки уни сотувчи корхона тадқиқотларини амалга ошириш учун маълумотлар туплаш ва таҳлил қилиш;
 - товарни бозорга чиқаришдаги барча хизматлар тўғрисида маълумотлар олиш;
 - тулдирувчи товарлар ва урнини босувчи товарлар тўғрисида ахборотлар йиғиш;
- товарларга бўлган талабни истиқболлаш, уларни амалга оширишни назорат қилишдан иборатдир.

Маркетинг тадқиқотларининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб бу – тадқиқот режасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бунда тадқиқот учун зарур бўлган маълумотлар ва ахборотларни тўплаш манбалари, услублари, қуроллари, танлов ўтказиш тартиботи ва режалари тузилади. Тадқиқот асосланадиган маълумотлар ва манбалардан бир неча маротаба тегишли соҳаларда фойдаланиш, уларни қайта ишлаш мумкин.

Маркетинг дастури тадбиркорлик имкониятларини бозор талабларига мослаштиришга йўналтирилган таҳлил, режалаштириш ва назорат қилиш жараёни деб қаралади. Маркетинг дастурлари қисқа муддатли(бир йилгача), ўрта муддатли (5 йилгача) ва узоқ муддатли (10 йилгача ва ундан кўпроқ) бўлади. Улар умумий шаклда ёки корхонанинг махсус фаолиятларига мўлжалланган бўлиши мумкин.

Маркетинг дастури бу тадбиркорликни умумхўжалик фаолиятини директив режасини тузиш учун стратегик тавсияномадир ва юқори бошқариш бўғини учун қарор қабул қилишни асосидир. Маркетинг дастурини асосий мазмуни - бу корхонани ўтган даврдаги фаолият натижалари бўлиб, унда мақсадли бозорни ривожланишини қисқа таҳлили ва башорати, фирмани ривожланишини асосий мақсади, бозордаги ҳуққатворини стратегик йўли, товар, нарх, сотиш ва рағбатлантириш сиёсатларининг чора-тадбирларини, маркетинг тадқиқотларини мазмуни, харажатлар смэтаси, маркетинг ҳаракатлари самарадорлигини олдиндан баҳолаш, маркетинг дастурини амалга ошириш бўйича назорат чора-тадбирлари ва ҳаракатлари берилади.

Маркетинг дастури маркетинг комплекси тадқиқотлари ва тадбиркорликни ўз имкониятларини баҳолаш асосида тузилади. Дастур тавсияли характерга эга бўлсада, компанияни стратегик режалаштиришда зарур босқич сифатида кўрилади. Фирмалар фаолиятининг замонавий шароитда маркетинг дастури компанияни юқори бошқарув бўғини (жорий режалаштириш, директив режалар, стратегик дастурлар, стратегияни танлаш) даражасида асосланиб бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарурдир.

Маркетинг дастурини ишлаб чиқаришда кўп вариантлилиқ тамойиллари ишлатилади. Хизматни тузилишига биноан маркетинг дастурини ва режасини бир неча варинатлари: икки ёки уч, яъни минимал, оптимал ва максимал турлари бўлади. Дастурни минимал варианты, дастурни оғир (ёмон) шароитларда ривожлантиришни, максимал вариантыда эса яхши

шароитларни ривожлантиришни кўзда тўтади. Масалан, Япония фирмалари маркетинг дастури ва режасини минимал вариантыни назарда тутиб, уни амалга оширишда ҳақиқий муваффақиятга иқтисодий ва ижтимоий ҳамда психологик самарани олишни мақсад қилиб эришади. Шунингдек дастурни ўртача ёки оптимал вариантлари кенг тарқалган.

Хар қандай тадбиркорлик фаолиятида турли маркетинг дастурларини ишлаб чиқади, йўналишига қараб маркетинг дастури юқори ва пастки бўғин учун бўлиши мумкин. Агар дастур юқори бўғин учун бўлса, у қисқа ва лўнда тузилган бўлиши лозим. Чунки унда муҳим томонлари ажратиб кўрсатилади пастки бўғин учун тузилган дастурларда эса ҳар бир саволлар ёритилиб берилади.

Муддатига қараб маркетинг дастурлари қисқа, ўрта ва узоқ муддатли турларга бўлинади. Айрим фирмалар эса икки ёқлама дастур тузадилар, яъни узоқ муддатли ва қисқа муддатли дастурлар.

Қамраб олаётган вазифасига қараб оддий ёки мақсадли дастурларга бўлинади.

Оддий маркетинг дастурлари тадбиркорликни ишлаб чиқариш, сотиш фаолияти билан барча функцияларни саволларини ечишга йўналтирилади. Мақсадли дастурда эса янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки сегментни ўзлаштириш, фирма сиёсатини рағбатлантириш самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Объектига боғлигига қараб маркетинг дастурлари маҳсулотлар бўйича ва ишлаб чиқариш бўлими бўйича бўлиши мумкин.

Маҳсулот бўйича маркетинг қуйидаги мақсадларга эга:

- маҳсулотни оптимал техник-иқтисодий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

- маҳсулотни ишлаб чиқиш ва сотиш самарадорлигини кўп вариантли ҳисоб-китобини ўтказиш;
- янги (такомиллашган) товар ишлаб чиқариш рентабеллигини ва зарурлигини асослаш;
- чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини натурал ва қиймат бирлигида белгилаш;
- истеъмолчиларни мақсадли бозорда кўзлаган мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир товар бўйича сифат кўрсаткичларини ўрнатиш;
- ҳар бир маҳсулотни интеграл баҳолаш (харажатлари, нарх ва фойдани солиштириш);
- мақсадли бозорда рақибларнинг мавжуд ўхшаш товарларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир товар бўйича рақобатбардошлик даражасини ҳисоблаш.

1.3 Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг ҳуқуқий асослари

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда жуда кўплаб мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган механизмлар ишлаб чиқилганки, уларни барчаси иқтисодиётнинг ривожланишига туртки бериб келмоқда.

Кичик бизнес ёки хусусий тадбиркорлик корхоналари мамлакат иқтисодиётининг турли жабҳаларига кириб борган сари, янгидан янги ғояларни амалиётга тадбиғи кучаймоқда. Шунинг учун давлат миқёсида унинг сиёсатида ушбу соҳани барқарор ривожланишига йўналтирилган чоратадбирлар доимо қўлланилиб келинади.¹¹

Республикаимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

¹¹ Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012. -272 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасида “Мамлакатимизда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди. 2017 йилда янги sanoat корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойдаланиш керак. Яъни давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чиқиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш даркор.”¹²

1990 йил 31 октябрда “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан қонунчилигимизда хусусий мулкчилик институтига йўл очилди. Мазкур Қонунда белгиланган нормалар кейинчалик Конституциямизда мустаҳкам ўрин эгаллади. Хусусан, Конституциянинг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидалиги ҳамда мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдалана олишлиги ва эркин тасарруф этиши мумкинлиги тўғрисида ўта муҳим ҳуқуқий кафолатларнинг мустаҳкамланиши, тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик, бозор муносабатларининг ривожланиши, тадбиркорлик учун кенг имкониятлар очилиши учун замин бўлиб хизмат қилди.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мурожаатномаси. Халқ сўзи 2017 22 декабр

Шунингдек, мазкур конституциявий қоидалар мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг ўтган давларида хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлар авлодининг яратилишида ҳам муҳим ҳуқуқий асос бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йил 21 январдаги **“Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони билан республикада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

Республика аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг кўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатдан ошириш мақсадида бир йил кейин, 1995 йил 5 январдаги **“Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида”**ги Президент Фармонида асосан прокуратура ва адлия органларига хусусий мулк эгалари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларга риоя этиш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатларини қатъиян бажарилишини назорат қилиш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарори билан Адлия вазирлиги тузилмасида Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус бошқарма ва бўлимлар ташкил қилинди ва ҳозирга қадар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг 23 феввалида **“Кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун ҳисоботларини қисқартириш ҳамда тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарор қабул қилинди.

Адлия Вазирлигида тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бошқармаси тузилиб, унга тегишли Президент фармонларини давлат ва назорат органлари томонидан ижрони текшириш

ваколати берилди. Хўжалик субъектларининг текширишни янги тартиби жорий қилинди. Унда текширишларни рўйхатга олиш дафтари тутилишини шартлиги, текшириш ўтказилаётган ташкилот раҳбари барча текширишларни, текширувчилар ёъл қўйган хатоларни қайд етиб бориши лозимлиги кўзда тутилган.

Бундан ташқари “Тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатларидан ўтказилиши ва ҳисобга қўйиши тизимининг такомиллаштириш тўғрисида”ги 2001 йил 22 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги қонуни, Тижорат банклари томонидан “Ўз фаолиятининг юридик шахс бўлмаган ҳолда амалга оширувчи якка тадбиркорларни ва деҳқон хўжаликларининг миллий ва хорижий валютада микрокредитлаш тартиби”, 23-феврал 2000 йил 902 тартиб рақамли қарор муҳим аҳамиятга ега бўлди.

Бундан ташқари тадбиркорлар фаолиятида муҳим рол ўйнаган яна бир меъёрий ҳуқуқий асос, 2003 йил 21-августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг ташкил етиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳисобланади. Қарорнинг асосий мақсади, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришни босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашдан иборат. 2003 йил 20-август куни “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги низом қабул қилинди.

Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши асносида **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги (янги таҳрирда) Қонуннинг қабул қилиниши, унда кичик тадбиркорлик субъектлари доирасининг аниқ белгилаб қўйилганлиги,

уларнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда фойда олишга ҳақли эканлиги каби ҳуқуқлари мустаҳкамланганлигини ҳам алоҳида кўрсатмоқ муҳимдир.

Шунингдек, ушбу қонун билан кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти бўйича текширувлар ўтказиш тартиблари ҳам мақбуллаштирилди. Қўзғатилган жиноят иши бўйича адвокат иштироки мажбурийлигини белгиловчи норманинг киритилиши, тадбиркорга молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ жараёнларнинг либераллаштирилганлигини ҳам муҳим механизм сифатида кўрсатсак бўлади.

2012 йил 24 сентябрда мамлакатимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлашга оид **“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳадаги қонун ҳужжатларини яхлит ягона тизимга келтирди ва ушбу қонун хусусий мулк дахлсизлигининг кафолати сифатида намоён бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан шу кунгача ушбу соҳага бўлган эътиборнинг самараси натижасида мамлакатимизда ҳар қандай йўналишда рақобат қила оладиган тадбиркорлар, айниқса, кичик бизнес вакиллари — янги мулкдорлар синфи шаклланиб улгурди. Бугун ушбу соҳада иш билан банд аҳолининг 78 фоизи меҳнат қилаётгани, уларнинг меҳнати туфайли дастурхонимиз тўкин, уйларимиз шинам, кўчаларимиз обод, оилаларимиз тинчлиги, бир сўз билан айтганда, турмушимиз фаровонлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Жорий йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармони бу борада Республика Биринчи

Президенти И.Каримов томонидан босқичма-босқич амалга оширилиб келинган ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Бугун тадбиркор, мулкдор олдида турли кўринишларда пайдо бўлаётган айрим, кўп ҳолларда жиддий кўриниш олаётган ва ёмон оқибатларни юзага келтириб чиқараётган муаммолар ва ғов-тўсиқларни олиб ташлаш Фармонда қатъий, узил-кесил ҳамда тизимли тарзда ҳал қилинаётганлиги жуда ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 майдаги **“Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** қарорлари мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилаётганидан далолат беради. Ушбу қарорда инновациялар бозорининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот (иш, хизмат)лар бозорларини шакллантириш, уларнинг бозор талабларига йўналтирилиши ва мослашиши учун тавсиялар ишлаб чиқиш бош масалалардан бири этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мамлакатимизда тадбиркорлик юритиш учун ҳар томонлама қулай бўлган бизнес ва инвестиция муҳитини яратиш, шу жумладан ҳуқуқий-меърий базани такомиллаштириш, кичик бизнес субъектлари ҳамда хорижий инвенторлар учун яратилаётган имтиёз ва енгилликларнинг яхлитлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритишда юзага келаётган бюрократик ғов ва тўсиқларга барҳам бериш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда 2016 йил 6 октябрдаги ***"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"*** қабул қилинган Фармонлари, 2017 йил 31

январдаги «*Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*»ги ПҚ-2746-сонли қарори энг аввало, хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган ва ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.

Хусусан, Фармон “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик”ни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Ушбу мақсадларда давлат органларига, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмаларга:

- ўз фаолиятида белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифаларини ва ваколатларини танқидий қайта кўриб чиқиш;
- тадбиркорлик фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш топширилди.

Ушбу норма давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбуриятини юклабгина қолмасдан, балки тадбиркорлик

субъектларига етказилган зарарнинг бевосита ушбу ходимлардан ундирилишини таъминлашни ҳам юклайди.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ноқонуний текширишларни ташкил этишга ва уларни ўтказишга, айниқса, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилишига ва зарар етказилишига йўл қўймасликка йўналтирилган. Фармонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишдан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган давлат назоратининг принципиал жиҳатдан янги бир қатор механизмлари белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрельдаги **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”** ги ЎРҚ-327-сонли қонуннинг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишдан иборат. Қонун билан оилавий корхона иштирокчилари аниқ таърифлаб берилди, уларни рўйхатга олиш ва тугатишнинг аниқ механизми белгиланди, оилавий корхонанинг инфратузилмага уланиши тарғиботлари соддалаштирилди. Шунингдек, оилавий корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби соддалаштирилган ҳолда амалга оширилиши белгиланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг **«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»** ги ЎРҚ-327-сонли қонунида:

-оилавий корхона иштирокчилари оила яшаб турган турар жойда турар жойларини нотурар жойларга ўтказмасдан фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу жойнинг ўзидан сотишига рухсат этилди;

-оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин уларнинг тасарруфида қолган фойда солиқ солишдан озод этилиши белгиланди;

-оилавий корхона, ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализатсия қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилиниши белгиланди.

Ҳар бир тадбиркорлик фаолияти самарали ташкил этиш ҳуқуқий муҳит орқали амалга оширилади. Шунинг учун керакли ҳуқуқий шароит яратиш катта аҳамиятга эга. Бу биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятини тартибга келтирувчи фармонлар ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг мавжудлиги, яъни корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнининг қисқа ва оддий бўлиши; тадбиркорликни давлат бюрократизмидан ҳимоя қилиш; солиқ қонунчилиги ни такомиллаштириш; Ўзбекистон ва чет эл ишбилармонларининг ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборатдир. Шу билан бирга бунга кичик тадбиркорлик ишларига кўмаклашиш ҳудудий марказларини ташкиллаштириш, статистика шакли ва ҳисоб-китобини соддалаштириш киради. Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолати масаласи билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

II боб Янгиқўрғон туман иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши тахлили

2.1 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг туман иқтисодиётида тутган ўрни

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, реал даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис Янгиқўрғон туманида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилмоқда ва бу ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг йўл очиб бермоқда. Вилоятда кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётдаги кичик бизнес субъектларининг ўрни ва улушини йилдан-йилга ортиб боришга эришилмоқда. Хусусан, 2017 йил якуни билан кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотигади улуши 70,6 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида кичик бизнес субъектларининг салмоғи муттасил ошиб бормоқда.

Янгиқўрғон тумани 1926 йил 29 - сентябрда ташкил топган бўлиб, ўтган давр мобайнида катта ўзгаришларни ўз бошидан кечирди. Мустақиллик даврига келиб туман иқтисодиёти учун ривожланиш даври бошланди. Туманнинг майдони 540 квадрат километрни ташкил этади ва аҳолиси 195037 кишига тенг бўлди.

Туман худудида 14 та шаҳарча, 11 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда 68 та маҳалла фуқаролар йиғинлари, 49 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд.

2017 йилда аҳоли сони 205,4 минг кишини, йил давомида туғилганлар сони 4288 нафарни, вафот этганлар 1016 нафарни ташкил этди. Туманга кўчиб келганлар сони 384 кишини, тумандан кетганлар сони 377 кишини ташкил этиб, туман аҳолиси 3279 кишига кўпайиб, 2018 йилнинг келиб Янгиқўрғон туманида доимий аҳоли сони 208,7 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 3,3 минг кишига ёки 1,8 фоизга кўпайди.

Туманда 14 миллат вакиллари истиқомат қилади. Аҳолининг 97,2 фоизини ўзбеклар, 2,5 фоизини қирғизлар ва қолган 0,3 фоиз аҳолини 14 миллат вакиллари ташкил этади. Туманда 1 та саноат корхонаси, 2 та қурилиш ташкилотлари, 5 та транспорт корхонаси, 1 та қўшма корхона ҳамда 150 та йирик ташкилотлар фаолият кўрсатади.¹³

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2017 йилда 105 та кичик бизнес субъектларини (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) янги ташкил этилди. 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 24 та корхонага 119,0 фоизга кўпдир.

Янгиқўрғон туманида 2018 йилга келиб давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес субъектларининг сони 704 тани ташкил этиб, улардан 132 таси (18,7 фоизи) саноат соҳасида, 72 таси (10,2 фоизи) қишлоқ, ўрмон, ва балиқчилик соҳасида, 58 таси (8,2 фоизи) қурилиш соҳасида, 274 таси (38,9 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасида, 35 таси (4,9 фоизи) ташиш ва сақлаш соҳасида, 27 таси (3,8 фоизи) яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида, 17 таси (2,4 фоизи) ахборот ва алоқа соҳасида ва 78 таси (11,1 фоизи) бошқа

¹³ Янгиқўрғон туман ҳокимлигининг иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Вилоятда 2018 йилга келиб жами 16928 та кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) руйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 102,4 фоизга ортиди.

2.1.1-жадвал

№	Шаҳар ва туманлар номи	Кичик бизнес субъектлари ҳақида маълумот (фермер хўжаликларисиз)									
		Жами кичик бизнес субъектлар и, бирлик	шу жумладан,		шундан		Экспорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2016 йилга нисбатан % ҳисобида	Импорт, минг АҚШ долл. (жисмоний шахслардан ташқари)	2016 йилга нисбатан % ҳисобида	Ишлаётган ҳодимлар сони, (киши)
			Фаолият кўрсатаётгани, бирлик	Фаолият кўрсатмаётгани, бирлик	2017 йилда ишга тушурилгани	2017 йилда тугатилгани					
Вилоят бўйича		16928	15949	979	2353	1500	118769,9	119,5	141781,2	102,6	86340
1	Наманган ш.	7436	7007	429	999	600	23678,3	108,7	55872,4	75,0	19990
2	Мингбулоқ	542	533	9	110	77	18115,1	112,5	331,1	126,5	4319
3	Косонсой	919	829	90	97	47	5748,7	108,4	2130,4	67,3	6384
4	Наманган	1276	1203	73	163	56	9657,5	119,9	20437,0	90,8	4690
5	Норин	550	528	22	105	78	2956,5	2,2 м	5055,6	106,8	5144
6	Поп	798	711	87	113	213	914,3	104,2	1947,3	105,5	6026
7	Тўрақўрғон	968	893	75	149	119	6338,3	2,3 м	33749,0	154,0	6447
8	Уйчи	885	878	7	168	39	15065,6	103,5	6191,7	109,6	6123
9	Учқўрғон	739	727	12	95	85	1879,2	84,3	3544,8	131,8	5521
10	Чортоқ	766	732	34	104	46	4507,1	105,4	3048,3	69,6	6246
11	Чуст	1345	1250	95	145	93	5205,6	102,6	2597,5	66,7	8714
12	Янгиқўрғон	704	658	46	105	47	24703,7	23,0 м.	6876,0	65,6	6733

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси 2017 йил малумотлари асосида тайёрланди

Янгиқўрғон туманида жами 704 та кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларисиз) руйхатга олинган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 105 фоизга ортган. Кичик бизнес субъектлари томонидан 2017 йилнинг ўзида 24703,7 минг долларлик маҳсулот экспорт қилишга эришилган. Бу кўрсаткич бўйича Янгиқўрғон тумани вилоятда Кичик бизнес субъектлари оз бўлишига карамай, энг кўп экспорт кўрсаткичини ташкил қилиб турибди.

2017 йилда жами 105 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, улардан саноат соҳасида 26 та, қишлоқ, ўрмон, ва балиқчилик соҳасида 22 та, қурилиш соҳасида 6 та, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 35 та, ташиш ва сақлаш соҳасида 2 та, яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида 3 та, ахборот ва алоқа соҳасида 5 та ва бошқа соҳаларда 6 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди.

2.1.2-жадвал

Янгиқўрғон тумани иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни

2017 йилда

№	Кўрсаткич номи	Кичик бизнеснинг улуши %		Аҳоли жон жон бошига улуши Минг сўм	
		Янгиқўрғон	Вилоят	Янгиқўрғон	Вилоят
1	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	99.2	68.4	362,708	1458,21
2	Истеъмол моллари ишлаб чиқаришда	100	86.8	378,404	1014,89
3	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларида	99.5	99.3	4719,16	1823,57
4	Қурилиш ишларида	98.2	93.9	768,127	580,369
5	Чакана савдо айланмасида	91.2	91.2	2088,68	2371,81
6	Жами хизматларида	96.9	73.7	1277,7	1895,86

Манба: Янгиқўрғон туман иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Шунингдек, туманда 2017 йил давомида 47 та кичик бизнес субъектлари тугатилиб, улардан 9 таси саноат соҳасига, 8 таси қишлоқ, ўрмон, ва балиқчилик соҳасига, 8 таси қурилиш соҳасига, 16 таси савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 4 таси ташиш ва сақлаш соҳасига ва бошқа соҳаларга тўғри келди.

Туманда иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши бўйича саноат маҳсулотлари 99,2 фоизни, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 100 фоизни, қишлоқ ўжалиги 99,5 фоизни қурилиш ишлари 98,2 фоизни, чакана савдо айланмаси 91,2 фоизни ва жами хизматлар 96,9 фоизни ташкил этди.



2.1.1-диаграмма. Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг улуши, %да

Янгиқўрғон тумани иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни юқори ҳисобланади. Улар 6733 нафар аҳолини иш билан тامينламоқда. Кичик бизнес субъектлари томонида экспорт кўрсаткичи 24703,7 минг доллорни ташкил қилиб 2016 йилга нисбатан 23 марта ортган. Туманда жами истемол моллари фақат кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилади.

2018 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 992 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 941 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,3 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо 276 та (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 27,8 фоизи), саноат 133 та (13,4 фоизи), қурилиш 59 та

(5,9 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 72 та (7,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2.1.3-жадвал


Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (фермер хўжаликларидан ташқари)

Соҳалар	Жами	Йирик корхоналар	Кичик ва микро корхона ва ташкилотлар	Соҳаларни улуши %
Туман жами	992	288	704	100
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	72	-	72	7.2
Саноат	133	1	132	13.4
Қурилиш	59	1	58	5.9
Савдо	276	2	274	27.8
Ташиш ва сақлаш	35	-	35	3.5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	27	-	27	2.7
Ахборот ва алоқа	18	1	17	1.8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	14	3	11	1.4
Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	358	280	78	36.1

Манба: Янгиқўрғон туман иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

2017 йилда жами 112 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 105 та).

2018 йил 1 январ ҳолатига 992 та корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 236 та, оилавий корхона – 12 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 427 та, бошқа корхоналар – 317 тани ташкил этади.



2.1.2-диаграмма. Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2018 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 3 тани ташкил этди.

2017 йилда чакана савдо товар айланмаси 432,6 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизни ташкил қилди. Шундан, йирик корхоналар чакана савдо айланмаси 37,9 млрд. сўм (2,8 мартага), кичик ва микрокорхоналар 72,7 млрд. сўм (105,1 фоиз) ва расмийлашмаган ва уюлмаган савдо тармоғида 321,9 млрд. сўм (98,5 фоиз)га бажарилди.

2.1.4-жадвал

Янгиқўрғон тумани товарлар ва хизматлар бозорида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2016 йил	Ўтган йилга нисбатан ўсиш сурати, %
1	Жами чакана савдо айланмаси	млрд.сўм	432.6	348.9	105.8
	шундан:				
1.1	Йирик корхоналар	млрд.сўм	37.9	11.4	2.8 м
1.2	Кичик ва микрокорхоналар	млрд.сўм	72.7	59.1	105.1
1.3	Уюшмаган ва расмийлашмаган савдо	млрд.сўм	321.9	278.5	98.5

Манба: Янгиқўрғон туман иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

2017 йилда Янгиқўрғон туманида меҳнат ресурслари сони 120,6 минг кишини, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 120,1 минг кишини, жами иқтисодиётда банд бўлганлар сони 75,7 минг кишини, шундан тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 67,3 минг кишини ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган ишловчи ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 2016 йилда 959.9 минг сўмни ташкил этгани ҳолда 2017 йилда 1318,1 минг сўмни ёки ўтган йилга нисбатан 37,3 фоизга ортди.

Тумандаги фаол аҳоли сони 80,4 минг кишига етиб (2016 йилда 76,9 минг киши), нофаол аҳоли сони 2016 йилдаги 42,3 минг кишидан 40,2 минг кишига қадар камайди. Ишсизлар сони 4,7 минг кишини, ёки фаол аҳолининг 5 фоизини ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқларидаги жами банд аҳолидан кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар сони 10,4 минг кишини (ўтган йилга

нисбатан 100 фоиз), шундан фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 9,2 минг кишини (ўтган йилга нисбатан 101,2 фоиз), деҳқон хўжаликларида банд бўлганлар сони 11,4 минг кишини (ўтган йилга нисбатан 100 фоиз), яқка тартибда меҳнат фаолиятида банд бўлганлар сони 46,9 минг кишини (ўтган йилга нисбатан 109,6 фоиз)га ортишига эришилди.

2.1.5-жадвал

Янгиқўрғон тумани аҳоли бандлигини таминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни

(минг киши ҳисобида)

	2016 йил	2017 йил	Ўсиш сурати, +,-
Аҳоли сони	205.4	208.7	3.3
шундан, фаол аҳоли сони	76.9	80.4	3.5
Нофаол аҳоли сони	42.3	40.2	-2.1
Меҳнат ресурслари сони	119.2	120.6	1.4
Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони	118.8	120.1	1.3
Иқтисодиётда банд бўлганлар жами	72.8	75.7	2.9
шундан, кичик тадбиркорликда	64.7	67.3	2.6
Ундан, кичик корхоналарда	2.4	2.4	0
Микрофирмаларда	7.9	8.0	0.1
Фермер хўжаликларида	9.1	9.2	0.1
Деҳқон хўжаликларида	11.4	11.4	0
Яқка тартибдаги меҳнат фаолиятида	42.8	46.9	4.1
Ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўм)	959.9	1318.1	358.2
Ишсизлар сони	4.2	4.7	0.5

Манба: Янгиқўрғон туман иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Янгиқўрғон тумани иқтисодиёти ривожланиб бормоқда ва унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Шу билан биргаликда, туманда ҳал қилиниши лозим бўлган қатор масалалар турибди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жуда кенг имкониятлар бўлишига қарамасдан бу имкониятлардан етарли даражада самарали фойдаланилмаяпти. Бундай

имкониятлардан фойдаланилиши, ҳаракатсиз турган резервларни ҳаракатга келтириш лозим. Бунинг учун имкониятдаги барча воситалар қатори маркетинг фаолиятини оқилона равишда ташкил этиш талаб этилади.

2.2 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалигида ривожланиши

Янгиқўрғон тумани мева, узум ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Етиштирилган маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинади. 2016 йил якунлари билан тузилган шартномаларга асосан 46,4 миллион долларлик мева сабзавот маҳсулотлари Россия ва Қозағистон давлатларига экспорт қилинди. 2017 йил туманда мева сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида фермер хўжаликлари тасарруфидаги 200 эскирган боғларни реконструкция қилиш орқали 200 гектор замонавий интенсив боғлар барпо этилди.

Шунингдек, туманда озиқ овқат хавфсизлиги ҳамда бозорларда нарх навони барқарорлигини таминлаш мақсадида 5 та лойиха ташаббускорлари томонидан сифими 7000 тоннали замонавий музлатгич барпо этиш ҳам белгилаб қўйилган.

2017 йилда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажми 977.3 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 фоизни ташкил қилди.

Дехқончилик. 2017 йилда 15391 гектар майдонда деҳқончилик билан шуғулланиб, шундан жами дон 9361 гектарни, шу жумладан бошоқли дон 8027 гектарни, шундан буғдой 8027 гектарни, маккажўхори дон учун 567 гектарни, дуккакли дон экинлари 767 гектарни, техник экинлар жами 1039 гектарни, шундан мойли экинлар 1039 гектар, картошка 2305 гектарни, сабзавотлар жами 2096 гектарни, полиз 128 гектарни, озуқа экинлари 462 гектарни, бундан ташқари мевалар ва

резаворлар майдони 7398 гектарни ҳамда тоқзорлар 3102 гектарни ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига жами дон 46961 тонна (97,6 фоизга), шу жумладан бошоқли дон 40324 тонна (97,1 фоизга), шундан буғдой 40324 тонна (97,1 фоизга), маккажўхори дон учун 4747 тонна (97,9 фоизга), дуккакли донлар 1890 тонна (107,7 фоизга), картошка 102064 тонна (99,7 фоизга), сабзавот 120361 тонна (101,8 фоизга), полиз 3777 тонна (103,3 фоизга), мева 65822 тонна (102,2 фоизга), узум 41391 тонна (95,2 фоизга) етиштирилди.

2.2.1-жадвал

Янгиқўрғон туманида 2017 йил давомида ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

№	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
				фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
		тонна	%	тонна	%	тонна	%	тонна	%
1	Дон-жами	46961	97.6	35673	97.2	11196	98.7	92	104.5
	шу жумладан:								
2	бошоқли дон	40324	97.1	33210	97.2	7052	96.6	62	103.3
	шундан:								
2.1	буғдой	40324	97.1	33210	97.2	7052	96.6	62	103.3
2.2	маккажўхори дон учун	4747	97.9	1763	91.6	2954	101.9	30	107.1
2.3	дуккакли дон	1890	107.7	700	114.2	1190	104.2		
3	Картошка	102064	99.7	41643	98.8	60340	100.4	81	98.8
4	Сабзавотлар, жами	120361	101.8	46204	95.4	74033	106.1	124	100.8
5	Полиз, жами	3777	103.3	1862	100.6	1855	105.8	60	113.2
6	Мевалар, жами	65822	102.2	40574	100.3	25037	106.3	211	57.2
7	Узум	41391	95.2	24645	93.5	16041	97.5	705	102.9
8	мойли экин	1893	51.3	1893	51.3				

Манба: Янгиқўрғон тумани туман статистика бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чоратadbирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2017 йилда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 146,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,8 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 15 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 1 январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 59,6 минг бошни (2016 йилга нисбатан ўсиш 0,1 фоиз), шу жумладан сигирлар 18,8 минг бошни (2016 йилга нисбатан ўсиш 0,1 фоиз), қўй ва эчкилар 61,8 минг бошни (2016 йилга нисбатан ўсиш 0,6 фоиз), отлар 1628 бошга (2016 йилга нисбатан ўсиш 0,1 фоиз), паррандалар 310,5 минг бош (2016 йилга нисбатан ўсиш 0,1 фоиз) ташкил этди.

2.2.2-жадвал

Янгиқўрғон туманида чорва моллари ва паррандалар кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
				фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
		бош	%	бош	%	бош	%	бош	%
1	Йирик шохли қорамоллар	59583	113	657	100	58900	113	26	104
2	ш.ж сигирлар	18815	100	235	102	18580	100		
3	қўй ва эчкилар	61457	100	657	100	60800	100		
4	паррандалар жами (минг бош)	309	104	75	104	171	101	62	112
5	отлар	1623	100	17	100	1606	100		

Манба: Янгиқўрғон тумани туман статистика бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 98,8 фоизни, фермер хўжаликларида – 1,1 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 98,7 ва 1,2 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 98,9 ва 1,0 фоизни, паррандалар – 55,3 ва 24,2 фоизни ташкил қилди.

2017 йилда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 11,8 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январ-декабрига нисбатан 112,6 фоизга), 60,3 минг тонна сут (111,5 фоиз), 24,6 млн. дона тухум (97,8 фоиз), 131,2 тонна жун (109,7 фоиз) ишлаб чиқарилди

Кузатишлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаб чиқариш ва ички истеъмолдан ортиқ қисмини экспортга чиқариш масаласи ҳукуматимиз диққат марказида бўлиб келаётгани ва бу соҳада қулай имкониятлар яратилганига қарамай бир қатор камчиликлар ҳамда номутаносибликлар сақланиб қолмоқда.

2.3 Туманда асаларичиликни ривожланиши таҳлили

Бугунги кунда дунё мамлакатларида асаларичилик соҳасини ривожлантиришга, асал маҳсулотларини етиштиришга бўлган эътибор ва талаб йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, экологик тоза асал ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёж ниҳоятда юқори.

Президентимизнинг “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2017–2021 йилларда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, 2017 йил 1 ноябрь куни Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ташкил этилди. Мамлакат миқёсида биринчи марта ўтказилган Асал байрами ва асаларичилик маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ва “Алоқабанк” ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўтган йиллар ичида Республикамизда асаларичиликни ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, асаларичилик хўжаликлари сони 2011 йилга нисбатан 2017 йилга келиб 220,0 фоизга кўпайиб, асал маҳсулоти ишлаб чиқарилиш 410,5 фоизга кўпайган. Республикамиз раҳбариятининг мустақиллик йилларида асаларичиликка бўлган эътибори, хусусан асаларичилик тўғрисида ҳар йили давлат Дастурларининг қабул қилиниши тармоқни ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишларнинг изчил давоми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил январдаги баённомаси билан тасдиқланган "Республикада 2017 йилда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури"да белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан вилоятларда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, 2017 йилда ҳолатига жами 829 та субъект, шу жумладан, 468 та шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, 321 та асаларичилик фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бундан ташқари 30 та корхона ва ташкилотларда асаларичилик фаолияти йўлга қўйилди.

Юртимизда бугунги кунда 11 минг 940 дан ортиқ асаларичилик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, асалари оилалари сонини 567 минг 100 тадан, асал ишлаб чиқариш ҳажмини 15,4 минг тоннадан оширишга эришилди, бу эса 32 миллионлик халқимизга хонадонларига ҳамда чет эл мамлакатларга ҳам етказиб берилди.

Тармоқни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни арзон, сифатли маҳсулот билан таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор шифобахш, тўйимли табиий неъмат ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ютуқлар омили бўлмоқда.

Республикамиз ички бозорларида ҳар йили ишлаб чиқарилган асал маҳсулотларининг ўртача 55-60 фоизи сотилмоқда. Қолган 40-45 фоизи

(3500-4000 тонна) асаларичилар кўлида, сотилмасдан, сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат асаларичиликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Асал арабча сўз бўлиб, у форс тилида ангубин деб аталади. Қуръони каримда асал илоҳий меҳр-муҳаббат ҳамда шифобахш егулик сифатида зикр этилган. Самовий Китобимизда ҳатто бир сура "Наҳл" яъни "Асалари"¹⁴ деб аталади.

Аллоҳнинг расули ҳазрат Муҳаммад Мустафо (с) асалнинг шифобахшлик хусусияти ҳақида буюрадилар: "Асал шифодир" асал хуштаъм, маззали егулик бўлиши билан бирга, йиллар давомида турли халқлар томонидан доривор сифатида ишлатиб келинган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бирор-бир модданинг таркиби асалчалик фойдали элементларга бой эмас. Асал инсон баданининг барча аъзолари ривожланиши учун фойдалидир. У жуда кўп беморликларга дармон бахш этиш, жароҳатларни тuzатиш, ҳатто эркаклардаги бепуштликни бартараф этишда ҳам муъжизавий таъсир кучига эга. Бугунги кунда асал таркибидан микробларга қарши бақувват бир дори ишлаб чиқарилган.

Қадим-қадим замонлардан бошлаб, жуда кўп беморларни даволашда асалдан фойдаланишган. Асалнинг энг муҳим хусусияти унинг микробларни бартараф этишидир. Бу маззали егуклик табиатан жуда кўп микробларнинг тўпланадиган муҳити бўлиши мумкин эди. Аммо асалда микроблар ривожланиш ўрнига йўқ бўлиб кетишади.

Асаларичилик - қишлоқ хўжалигининг тармоқларидан бири, асалариларни асал, мум ва бошқа маҳсулотлар (асалари сути, аса-лари елими, асалари захари ва бошқалар) олиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун уларни чанглатиш мақсадларида боқиш

¹⁴ "Қурону карим" китоби «Мовароуннаҳр» нашриёти 2016 й

хисобланади. Испаниядаги Аран ғоридан топилган археологик маълумотларга кура асаларичиик милоддан аввалги 10 — 5-минг йилликларда ҳам мавжуд бўлган деган тахминлар бор. "Таврот", "Қурону Карим" каби диний китобларда ҳам асаларичиик тўғрисида маълумотлар келтирилади. асаларичиик тарихида бир неча босқичлар бўлган. Дастлаб одамлар асални ўрмон ва тоғларда дарахтларнинг коваклари, тошлар ёриқлари, ғорларга уя қўйган асаларилардан олганлар. Бундай асаларичиик теримчилик ва овчиликнинг бир тури ҳисобланган. 1814 йилда рус асаларичиси П. И. Прокопович ромли асалари қутисини, 1865 йилда чех асаларичиси Ф. Грушка асалажратгични кашф этиши билан кўпгина мамлакатларда асаларичиик сердаромад тармоққа айланди. XX-асрнинг 20-й.лари-дан махсус асаларичиик хўжаликлари пайдо бўлди. Асаларичиик Ер юзасининг барча қитъаларида тарқалган. БМТ маълумотларига кўра 1970-йилар бошида жаҳонда 40 млн.га яқин асалари уя (оилалари) мавжуд бўлган. Жаҳон мамлакатларида асаларичиик асосан 3 йўналишда ривожланмоқда: асал олиш; экинларни чанглатиш; бошқа хўжаликларга тарқатиш учун энг яхши асалари зотларининг она арасини етиштириш (она асалари етиштирувчи хўжаликлар) ва асалари оилаларини кўпайтириш. А. Россия, Украина, АҚШ, Мексика, Туркия, Франсияда айниқса, ривожланган. 1887 йида тузилган "Апи-мондия" Халқаро асаларичилик ташкилоти асаларичилар ўртасида халқаро алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу ташкилот асаларичиикга бағашланган симпозиумлар, конгресслар, кўргазмалар ўтказди, 1966 йилдан махсус халқаро "Апиаста" журнали нашр этади. Ўзбекистонда асаларичилик маҳсулотлари қадимдан озиқ-овқат ва доридармон сифатида маълум бўлсада, асалариларни қутиларда боқиш 19-асрнинг 2-ярмидан бошланган. Туркистонга дастлабки асалари оилалари 1841 йилда Қозоғистоннинг Семипалатинск вилоятидан келтирилган. XIX-асрнинг 2-ярмида Туркистонга ўрта рус асалариси, Кавказ кулранг тоғ асалариси, украин дашт асалариси ва бошқа олиб келинган. Ўзбекистон Республикасида 154 минг асалари оиласи (кутиси) бор. Ихтисослаштирилган

асаларичилик хўжаликлари ташкил этилган. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 48 асаларичилик хўжалиги (88 минг асалари оиласи), шу жумладан, "Асал" уюшмаси бор. Республикадаги ўрмон хўжалиги корхоналарида, "Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг" компанияси таркибида ҳам асаларичилик хўжаликлари бор. Асаларичилик билан 20 — 50 (90%) ёки 50 — 150 (10%) кути асалариси бўлган хусусий асалчилар ҳам шуғулланади. Мавсумда икки марта — май-июн (баҳорги) ва август-сентябрда (ёзги) асал олинади. Республикада йилига 20 минг тонна дан кўпроқ асал тайёрлаш имкониятлари бор. Асаларилар асосан кўчма усулда боқилади. Асаларилардан қишлоқ хўжалиги экинларини (ғўза, маҳсар, каноп, уруғлик беда ва бошқалар) чанглантишда фойдаланилади. Асаларилар билан чанглантиш ғўза ҳосилдорлигини ўртача 5,1 — 5,9 с/га ошириши аниқланган.

Янгиқўрғон туманининг тоғолди ҳудудида яшовчи аксарият аҳоли асаларичилик билан шуғулланади. Туманида асаларичилик фаол ривожланмоқда ва тадбиркорлар учун бир қатор қулай шарт шароитлар яратилиб берилмоқда.

Янгиқўрғон туман иқлими мазкур соҳани ривожлантириш учун қулайдир. Сўнгги йилларда соҳани ривожлантириш учун зарур имтиёзлар берилди. Асаларичилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва фермерларга банк кредитлари берилмоқда. Соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб қилиш, асаларичиликка ихтисослашган хўжаликларни кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш, ички бозорни сифатли асал ва асал маҳсулотлари билан тўлдиришга доир имкониятлар яратилди.

Асаларичилик-наслчилик хўжаликлари томонидан асалари зотларини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида жами 1000 дона насли она асалари келтирилди.

2.3.1-жадвал

Наманган вилоятида асал ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

№	Шаҳар ва туманлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2017 йилни 2016 йилга нисбати %
	Вилоят	тонна	498	531	106,6
1	Наманган ш.	тонна	19	21	110,5
2	Мингбулок	тонна	5	7	140,0
3	Косонсой	тонна	33	34	103,0
4	Наманган	тонна	100	109	109,0
5	Норин	тонна	20	29	145,0
6	Поп	тонна	101	107	105,9
7	Тўрақўрғон	тонна	27	26	96,2
8	Уйчи	тонна	61	59	96,7
9	Учқўрғон	тонна	26	28	107,6
10	Чортоқ	тонна	30	31	103,3
11	Чуст	тонна	26	26	100,0
12	Янгиқўрғон	тонна	50	54	108,0

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

2.3.2-жадвал

Наманган вилоятида 2017 йилда асал ишлаб чиқариш ва аҳолини талабини қондириш

№	Шаҳар ва туманлар номи	Ўртача аҳоли сони минг.киши	2017 йил тонна	аҳоли жон бошига грам	Бир киши бир йиллик нормаси (2555 грамм) фарқи +/-
	Вилоят	2 675,7	531	198	-2357
1	Наманган ш.	594,9	21	35	-2520
2	Мингбулок	119,6	7	58	-2497
3	Косонсой	197,8	34	171	-2384
4	Наманган т	190,1	109	57,3	-2498
5	Норин	156,1	29	185	-2370
6	Поп	209,6	107	51	-2504
7	Тўрақўрғон	214,1	26	12	-2543
8	Уйчи	201,5	59	292	-2263
9	Учқўрғон	163,8	28	170	-2385
10	Чортоқ	189,1	31	163	-2392
11	Чуст	253,0	26	102	-2453
12	Янгиқўрғон	207,1	54	260	-2295

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси ва интернет маълумотлари асосида тайёрланди

Янгиқўрғон туманида 2017 йилда янги лойиха бўйича қишлоқ хўжаликда ташкил қилинган хўжаликларда жами 19 та режалаштирилдиганди. Шундан, чорвачиликда 5 та, балиқчиликда 2 та, асаларичиликда 5 та, интенсив боғ 2та, (питомниклар) иссиқхона ва паррандачилик сохаларида биртадан янги лойиха амалга оширилди. (2.3.3-жадвал)

2.3.3-жадвал

Янгиқўрғон туманида 2017 йилда янги лойиха бўйича қишлоқ хўжаликда ташкил қилинган хўжаликлар

№	Сохалар	Лойиҳа сони	Ўлчов бирлиги	Қувват и	Лойиҳанинг умумий қиймати (млн.сўм)	Шундан		Янги иш ўрни
						Ўз маблағи	Банк кредити	
	2017 йилда жами	19		5 457	29 860	19 456	10 404	626
	Шундан							
1	Чорвачилик	5	Бош	295	1 800	1 200	600	31
2	Паррандачилик	1	Бош	10	200	200		5
3	Балиқчилик	2	Гектар	0,8	90	90		6
4	Асаларичилик	5	Оила	250	250	250		10
5	Музлаткичхона	3	Тонна	4 400	10 180	2 326	7 854	41
6	Иссиқхона	1	Гектар	1,3	2 340	390	1 950	10
7	Интенсив боғ	2	Гектар	500	15 000	15 000		523

Манба: Янгиқўрғон тумани туман иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Туманида аҳолини асалга бўлган талабини қондириш мақсадида 2017 йилда янги лойиха бўйича асаларичилик йўналишида ташкил қилинган хўжаликлар 5 тани ташкил қилинди. Лойиха қувати жами 250 та оилани ташкил қилди ва унинг умумий қиймати 250 млн сўмни ташкил қилди. Янги иш ўрни 10 кишини ташкил қилди. (2.3.4-жадвал)

2.3.4-жадвал

Янгиқўрғон туманида 2017 йилда янги лойиха бўйича асаларичилик йўналишида ташкил қилинган хўжаликлар

№	Лойиханинг ташаббускори номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Умумий қиймати , млн.сўм	шу жумладан:		Амалга оширилган муддати	Янги иш ўрни сони
					ўз маблағи	банк кредити		
1	"Равшан Машхура Зафаржон" ф.х	Оила	50	50	50		2017 й апрел	2
2	"Ғофиржон Гайратжон Дилшод" ф.х	Оила	50	50	50		2017 й март	2
3	"Ибрагимов Гофуржон" ф.х	Оила	50	50	50		2017 й май	2
4	"Музаффар Мухриддин" ф.х	Оила	50	50	50		2017 й март	2
5	"Юлдашев Журавой" ф.х	Оила	50	50	50		2017 й апрел	2
	Жами	хх	250	250	250	0	хх	10

Манба: Янгиқўрғон тумани туман иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

2018 йилдан бошлаб, иқлим шароитини ҳисобга олиб 4 та алоҳида махсус "изоляция қилинган" ҳудудларда асалари пакетларини етиштирувчи асаларичилик хўжаликларини ташкил этиш кўзда тутилган.

III Боб Туманда асараричиликни истикболлари

3.1 Туман иқтисодиётининг 2017-2021 йилларда ривожланиш бўйича ҳаракатлар стратегияси

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чоратadbирлар амалга оширилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истикболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5308-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли фармонлари иытисодиётимизни жадал ривожланишига замин яратади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор **“Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун”** деган тамойил ва **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат**

қилиши керак” деган эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.


Иқтисодий соҳада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда – узоқ муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда – тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда – ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг

ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.



3.1.1-расм. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислохотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат. Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Ушбу стратегияни амалга оширишда мамлакатдаги барча вилоят ва туман ҳокимликлари ушбу стратегияни ижросини таъминлаш учун бешта

устувор йўналиш бўйича ўзларининг ҳаракатлар стратегияларини ишлаб чиқишган.

Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларга жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усуллари жорий этиш, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериши тизимини амалда татбиқ этиш, шу асосда халқнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Янгиқўрғон туманида ҳам ҳаракатлар стратегиясининг ижросини таминлаш мақсадида дастурлар ишлаб чиқилган. Ушбу дастурни амалга оширишда ҳар йили маълум бир режалар дастури тузилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг “Ҳаракатлар стратегияси” дастурида Наманган вилоятида жами 5897 та дастур лойихаси натижасида 67229 та янги иш ўрни режалаштирилган. Шундан Янгиқўрғон туманининг лойихалардаги улуши 6,3 фоизни, яратиладиган янги ишрнидаги улуши эса 4,6 фоизни ташкил қилади. 3.1.1-жавал

3.1.1-жадвал

2017-2021 йилларда янги лойихаларни ташкил этиш ва модернизация ҳамда кенгайтиришда Янгиқўрғон туманининг вилоятдаги ўлуши

Лойихалар номи	Вилоят		Янгиқўрғон		Вилоят улуши %	
	Лойихалар сони	Янги иш ўрни	Лойихалар сони	Янги иш ўрни	Лойихалар сони	Янги иш ўрни
Жами лойихалар сони	5897	67229	372	3103	6,3	4,6
<i>шу жумладан:</i>						
<i>янги лойихалар</i>	4887	43386	314	1852	6,4	4,2
<i>модернизация ва кенгайтириши</i>	1010	23843	58	1251	5,7	5,2

3.1.2-жадвал

2017-2021 йилларда Янгиқўрғон туманида ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича дастури

№	Лойиҳалар	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати		Лойиҳанинг умумий қиймати (млн. сўмда)	Шу жумладан молиялаштириш манбалари		Яратилган ишчи ўрни
		Сони	Млн. сўм		Ўз маблағлар и	Тижорат банклари кредитлари	
1	Жами	37	55110	39800	19050	20750	719
2	Шу жумладан						
3	Янги лойиҳалар	6	25600	22200	13100	9100	250
4	Модернизатсия ва кенгайтириш	31	29510	17600	5950	11650	469

Манба: Янгиқўрғон тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

2017-2021 йилларда туманда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида жами 48,945 миллиард сўмлик лойиҳалар режаси ишлаб чиқилган. Ундан 39,800 миллиард сўми ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантишга йўналтирилади. Ушбу даврда туман маркази ва қишлоқларда жами 36 та лойиҳа амалга оширилади. Бу лойиҳаларнинг 12 таси янги ишлаб чиқариш корхона заводларини ишга тушуришдан ва қолган 24 таси эса мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини янада кенгайтириш ва модернизатсия қилиш иборат. Яъни уларнинг моддий техник базасини кучайтириш, янги инноватсион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва натижада ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришга эришишдан иборат .

3.1.3-жадвал

Янгиқўрғон туманида 2017-2018 йилларда барча йўналишларда ишга тушириладиган лойиҳалар

№	Номи	Лойиха сони	Лойиха нинг умумий киймати (млн.сўм)	Шундан (млн.сўм)		Яратила диган янги иш ўрни
				Ўз маблағи	Банк кредити	
2017-2018 йилларда						
1	Саноат йўналишида	55	122 284	42 715	79 569	1 451
2	Қишлоқ хўжалиги йўналишида	56	37 535	23 931	13 604	723
3	Хизмат йўналишида	86	5 711	5 411	300	429
	Жами:	196	165 430	71 957	93 473	2 598
2017 йилда амалга оширилган						
1	Саноат йўналишида	22	76 494	23 075	53 419	825
2	Қишлоқ хўжалиги йўналишида	19	29 860	19 456	10 404	626
3	Хизмат йўналишида	40	2 611	2 461	150	296
	Жами:	80	108 865	44 892	63 973	1 742
2018 йилда режада						
1	Саноат йўналишида	33	45 790	19 640	26 150	626
2	Қишлоқ хўжалиги йўналишида	37	7 675	4 475	3 200	97
3	Хизмат йўналишида	46	3 100	2 950	150	133
	Жами:	116	56 565	27 065	29 500	856

Манба: Янгиқўрғон тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Юқоридаги ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш орқали туманда айнан шу соҳада жами 719 та янги иш ўрни ташкил қилиш режалаштирилган. Дастурда мева ва сабзавотлатни қайта ишлаш саноати бўйича битта янги лойиҳа, “Натурал Жусе” МЧЖ ни ташкил қилиш қабул қилинган. Ушбу корхона 2017-йил декабр ойдан бошлаб ишга туширилган бўлиб йилига 5000 тонна ёки 15 млрд сўмлик мева концентрантини ишлаб чиқаради. Корхона маҳсулотининг 60% экспорга йўналтирилган ва 100

тагача иш ўрни яратлган. Бундан ташқари мева ва сабзавотларни қайта ишлаш саноатни янада кенгайтириш ва уни модернизатсия қилиш бўйича 10 та янги лойиҳа ишлаб чирилган бўлиб, 127 тагача янги иш ўринлари ташкил қилиш режалаштирилган. Ичимлик суви ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида янги “Водий Булоқ Сувлари Қазиб Чиқариш” х.к лойиҳасини ишлаб чиқилди ва бу корхона 2018-йил июл ойидан бошлаб ишга тушириш режалаштирилган. Корхона йилига 800 минг дона ёки 1.2 млрд сўмлик ичимлик суви ишлаб чиқариш қувватига эга. 2021-йилга қадар маҳсулот экспортини 30% гача етказиш режалаштирилган.

Тўқимачилик ва тикувчилик саноатини ривожлантириш бўйича туманда жами 12 та янги лойиҳалар ишлаб чиқилган. Лойиҳага кўра ушбу суҳада ишлаб чиқариш қувватини йилига 8.3 млрд сўмга етказиш ва маҳсулотнинг 70% гача бўлган қисмини экспорт қилиш мақсад қилинган. Чарм-поябзал саноати бўйича эса янги “Дўлди Барака Галентария” хусусий корхонаси ишга туширган бўлиб бу корхона асосан аёллар сумкаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона йилига 20 минг та ёки 400 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эгадир. Корхонада 2021-йилга қадар терини қайта ишлаш технологиясини йўлга қўйишин режалаштирилган.

Қурилиш материаллари саноатида ҳам бир 11 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Йирик лойиҳалардан бири бўлган тсемен ишлаб чиқарувчи “Жаҳон Евро Сервис” МЧЖ 2018-йилда ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу завоthнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 20000 тонна ёки 6 млрд сўмга тенг бўлади.

3.1.4-жадвал

2017-2021 йилларда Янгиқўрғон туманида хизмат кўрсатиш ҳамда сервис инфратузилмасини ривожлантириш бўйича дастури.

№	Йиллар	лойиҳалар сони	Лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн.сўм)	Шу жумладан		Яратилган ишчи ўрни
				Ўз маблағлари (млн.сўм)	Банк кредити	
1	Жами	113	9145,0	8995,0	150,0	482,0
2	2017-йил	17	1110	1110	0	146

3	2018 йил	20	1075	1075	0	45
4	2019 йил	23	1535	1535	0	60
5	2020 йил	26	1945	1945	0	85
6	2021 йил	27	2625	2465	150	146

Манба: Янгиқўрғон тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Янгиқўрғон туманида хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга қаратилган 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурлар ҳам ишлаб чиқилган. Беш йилга мўлжалланган дастурда жами 113 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 9.1 млрд сўмга тенг ва жами 521 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. 3.3.4-жадвалда ушбу лойиҳалар сони батафсил кўрсатиб ўтилган. Транспорт хизматларини ривожлантириш бўйича жами 10 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Молиявий хизмат кўрсатиш бўйича эса битта янги суғурта компания “Ўзагросуғурта” давлат аксиодорлик компанияси лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Савдо ва умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш бўйича жами 23 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, бу орқали 146 тагача янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Ундан 12 та савдо дўкони 7 та пархез ошхона ва буфкет 2 та янги супермаркет битта умумий овқатланиш шаҳобчасини ишга юшириш кўзда тутилган. Соғлиқни сақлаш хизматлари бўйича ҳам бир қанча лойиҳалар мавжуд. Туманданда иккита янги хусусий стоматология марказлари ишга туширилади. Бундан ташқари битта диагностика маркази ва битта хусусий клиника ташкил қилиш дастурга киритилган.

3.1.5-жадвал

2017-2021 йилларда Янгиқўрғон туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича дастури.

№	Амалга ошириш йиллари	Умумий қиймати (млн.сўм)	Шу жумладан			Янги иш ўрни
			Ўз манлағи	Банк кредити	Лизинг	
	2017-2021 йилларда ҳаммаси	27475	12825	14650	0	270
	<i>шу жумладан:</i>					
1	2017 йилларда	13110	3610	9500	0,0	55
2	2018 йилларда	4280	1880	2400	0,0	43

3	2019 йилларда	4480	2880	1600	0,0	65
4	2020 йилларда	3415	2615	800	0,0	58
5	2021 йилларда	2190	1840	350	0,0	49

Манба: Янгиқўрғон тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Янгиқўрғон туманида ишлаб чиқариш саноатига нисбатан агросаноат яхши ривожланган. Бунга сабаб туман асосан қишлоққ хўжалиги соҳасига ихтисослашган бўлиб бунга етарлича шароитлар мавжуддир. Шу боис туман ҳокимлиги томонидан дастурни ишлаб чиқишда қишлоқ хўжалиги соҳасида кўплаб йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ушбу соҳада жами 105 та лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 27.5 млрд сўмга тенг. Яратиладиган янги иш ўринлари эса 270 тани ташкил қилади.

3.1.6-жадвал

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар сони.

	Қишлоқ хўжалиги соҳалари	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	Жами
1	Қорамолчилик хўжалигини ташкил этиш	1	1	1	1	1	5
2	Кўйчилик хўжалигини ташкил этиш	1	1	1	0	0	3
3	Ечкичилик хўжалигини ташкил этиш	1	0	1	1	0	3
4	Паррандачилик хўжалигини ташкил этиш	1	1	2	1	1	6
5	Балиқчилик хўжалигини ташкил этиш	1	1	1	1	1	5
6	Асаларичилик хўжалигини ташкил этиш	5	5	20	19	18	67
7	Қуёнчилик хўжалигини ташкил этиш	1	1	1	1	1	5
8	Музлаткич камера қуриш	2	2	1	1	0	6
9	Иссиқхона ташкил этиш	1	1	1	1	1	5
10	Жами	14	13	29	26	23	105

Манба: Янгиқўрғон тумани иқтисодиёт бўлими маълумотлари асосида тайёрланди

Дастурдаги лойиҳаларнинг асосий қисмини асаларичиликни ривожлантириш ташкил қилади. Бунга сабаб Янгиқўрғон тумани асосан боғдорчиликка ихтисослашгани сабабли, асаларичилик учун етарлича шароитлар мавжуд. Айниқса туманнинг шимолий қисми тоғли ҳудудлигини

ҳисобга олсак, бунда тадбиркорлар катта имкониятларга эга бўлишади. Ушбу соҳада жамми 67 та лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар беш йил мобайнида босқичма босқич амалга оширилади. Бундан ташқари қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ҳам бир қатор лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилган.

Туманда боғдорчилик бошқа туманларга нисбатан анча ривожланган. Шу сабабли меваларни сақлаш учун берилган муддат ичида 6 та музлаткичли камералар қуриш режа қилинган. Бундан ташқари ҳар йили биттан йирик иссиқхоналар ташкил қилиш ҳам дастурда белгилаб қўйилган.

3.2 Туманда асалари ва унинг маҳсулотини бозорларда сотиш усуллари ривожлантириш

Ўзбекистон асалари оилаларининг сони жиҳатидан ва асал этиштириш бўйича МДХ ичида биринчи ўринда туради. Мамлакатдаги асал этиштирувчи асосий хўжаликлар-жамоа хўжаликлари ҳисобланади. Уларнинг асаларичилиги ҳар йили мамлакатимизга минглаб тонна асал ва жуда кўп мум этиштириб беради. Асал этиштириш йилдан-йилга ўсмоқда.

Умуман, асал энгил ҳазм бўлувчи шакарлардан, яъни глюкоза билан фруктозадан иборат бўлиб, уларнинг миқдори асалда 65 дан 80% гача бўлади. Бундан ташқари асал таркибида 15-25% сув, органик кислоталар (олма кислотаси, вино кислотаси, лимон, сут, шовул кислотаси), оз миқдорда оксил, витаминлар, ҳушбўй ва бўёқ моддалари бор.

Асал юқори калорияли озиқ -овқат бўлиб, у организмда тўла ҳазм бўлади. Унинг шифобахш хусусияти ҳам бор, яъни ичакларнинг ишини яхшилайти, асабларни мустаҳкамлайди, юрак мускулларининг фаолиятини оширади.

Наманган вилоятида Янгиқўрғон тумани юқори даражада ривожланган асаларичилиги билан машҳурдир. Қулай иқлим шароити, асал берувчи

ўсимликларнинг мўл-кўллиги асаларичиликни туман қишлоқ хўжалигини муҳим тармоғига айлантирди.

Туман бозорларига **мумли асал** савдога кам чиқарилади; у умуман хаваскор асалари хўжаликларида олинади. Мумли асалнинг сотилишидан фойда, йўқ, чунки қимматли хом ашё мум чиқитга чиқиб кетади.



3.2.1- **расм.** Асал олиниш усули


Тсентрифуга ёрдамида олинадиган асал савдо асалининг асосий тури ҳисобланади. У мумдан тсентрифугалаш усули билан тортиб олинади.

Табиатдан олинишига кўра гулдан олинган асал ҳам ўсимлик турига қараб бошқаларга ажралади. Асал ўзининг таъми, ҳиди, ранги жиҳатидан, шунингдек қайси фаслда қандай ўсимлик гулидан йиғилганлигига ва жойи (тоғ, ўрмон, водий)га қараб ҳам фарқланади. Энг яхши асал - тоғ асали, чунки у турли доривор гуллардан йиғилади. Оқ акатсия, беда, олма, шафтоли ва бошқа ўсимликлар гулидан тўпланган асал ҳам сифатли, офтоб кам тушадиган ўрмон гуллари ва етиштиришда турли заҳарли дорилар сепиладиган техника ўсимликлари, масалан, канопадан олинган асал анча сифатсиз ҳисобланади. Асал мумкатаклардан махсус асалажраткич мосламалар билан ажратиб олинади.

Табиий асал ширин таъмли, ўз турига хос, нафаси хушбўй ҳидли, қуюқ, бир хилда чўзилувчан, ранги оқиш ва қизғиш ва ҳатто жигар ранг бўлиши керак, идишларнинг аччиқ таъми ва ҳидидан, ачиш белгисидан,

асалари, курт, капалак, мум бўлакчалари ва бошқа қўшилмалардан холи бўлиши талаб этилади.

Асалнинг қанд, крахмал, патока, ун, ўсимлик баргидаги ширадан олинган асал билан аралаштириб қалбакилаштирилишига йўл қўйилмайди ва савдога олиб чиқилмайди. Сувда эритилган асал лойқаланмаслиги ва чўкинди ҳосил қилмаслиги керак. Савдода шакарланиб қолган асал нуқсонли ҳисобланмайди .



3.2.3-Чизма. Асалари маҳсулотлари туркумланиши

Асал 32 ва 48 кг сиғимли липадан ясалган ёғоч бочкаларга, 250, 500 ва 1000 грамлик шиша банкалар ҳамда сут флягалари, бидонлар, тунука ва оқартирилган темир банкаларга жойланади. Савдо асални куруқ, салқин,

яхши шамоллатиб туриладиган, ҳарорати 5-10°C ва ҳавосининг нисбий намлиги кўпи билан 60-70% бўлган хоналарда сақлаш тавсия этилади.



3.2.2- расм. Савдога чиқарилаёт асал маҳсулотларини

Асаллари маҳсулотлари ҳаракатини режалаштиришда, хўжалик танлаган товар сотиш услубларига асосланилади. Улар қуйидаги уч услубдан бири бўлиши мумкин:

- товар ишлаб чиқарувчи воситачиларсиз, тўғридан-тўғри ўзининг истеъмолчиси билан боғланиши;
- товарларни мустақил воситачи (фирма)лар орқали сотиш;
- таралаш усул, ишлаб чиқарувчи фирма ва воситачи савдо ташкилоти сармоялари қатнашиши орқали.

Савдога чиқарилган сунъий асал асосан ширинлик тайёрлайдиган уй хўжаликлар харид қилади. Сунъий асал шакардан олинади шакар сувда

эритилади, унга лимон ёки вино кислотаси қўшилади ва ҳосил бўлган эритма қайнатилади. Натижада сахароза-глюкоза ва фруктоза аралашмаси пайдо бўлади, шу аралашма пиширилади ва хушбўй моддалар ёки табиий асал қўшилиб хушбўй қилинади. Сунъий асалнинг сифат белгилари, жойланадиган идишлар ва сақлаш шартлари табиий асалники билан бир хилдир.



3.2.3- Расм. Савдога чиқарилаёт асал маҳсулотлари

Товарларнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи томонидан сотилишининг яхши томонлари ва камчиликлари ҳам бор. Асаллари хўжаликлар ўз маҳсулоти савдосини тўла назорат қилади. Бундай товарлар асал маҳсулотлари, нон, сут, гўшт ва ҳоказолар сотилиши афзалроқ ҳисобланади. **Қолган товарларнинг сотилишида мустақил воситачи — улгуржи ёки чакана савдо фирмаларининг қатнашиши жаҳон тажрибасида синалган самарали йўлдир.**

Товар ҳаракати қатнашувчилари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш;
- ишлаб чиқаришга керакли хом-ашё ва материаллар тайёрлаш;
- маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;
- товарлар истеъмолчилари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш;
- олди-сотди қилиш учун шартномалар тузиш жараёнини тайёрлаш;

-товарнинг истеъмолчига етиб боришини рағбатлантирувчи сиёсат юритиш;


-товар ассортиментини режалаштиришда қатнашиш ва ёрдамлашиш, товар ҳаракатини молиявий таъминлаш;

-сотилган товарларга қўшимча хизмат уюштириш;

-товарларни ташиш; товарларни омборларга жойлаш ва сақлаш, товарларни сортларга ажратиш, кичик ўрамаларга қадоқлаш, тамғалаш, ўз савдо битимини тузишга таваккал қилиш, сотилган товар баҳосини аниқлашда қатнашиш ва бошқалар. Ана шу кўп қиррали вазифаларни махсус савдо фирмаларининг бажариши, товар ҳаракатидаги сарф-ҳаражатларнинг анча юқори самара беришини таъминлайди. Воситачи ҳамкорларни танлаш ҳамма товар ишлаб чиқарувчилар учун муҳим давр ҳисобланади. Энг аввало, шунга аҳамият бериш керакки, танлаб олинаётган воситачи бир вақтнинг ўзида фирмангизнинг бозордаги рақобатчиси бўлмаслиги шарт. Умумий ҳолатда воситачи фирмалар ичидан сизнинг товарингизни сотиш бўйича махсуслашганини танлаш зарур. Яна воситачи фирманинг бозордаги обрў-эътибори-мавқеи аҳамият берилади. Унинг асосий белгиларидан — савдо шохобчаларининг моддий-техникаси, жойлашиши, сотувчи ходимларнинг малакаси ва бошқалар. Олдин синаш учун бирор йилга шартнома тузилади ва воситачи савдо фирмаси фаолияти ҳар томонлама ўрганилади. Товар ишлаб чиқарувчи фирма вакили, раҳбари-менежери воситачини шахсан ўрганади ва унинг шохобчаларига боради. Воситачилар иложи борича кўпроқ танланади ва уларни маркетинг — бозор дастурларига аҳамият берилади.

Асл махсулотлари бозор фаолиятини ривожлантириш уларнинг сотиш каналларини кўпайтириш ва улгуржи савдосини ташкил этиш механизмларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Асал махсулотлари бозор фаолияти жараёнида сотиш муаммоси янги товарни яратиш босқичидаёқ ҳал қилинади. Шунинг учун, сотиш сиёсати сотиш фаолиятининг ташкилий шакллари ва услубларини танлашни кўзда тутади.



3.2.4-Чизма. Наманган вилоятида асал маҳсулотларини сотиш йўналишлари¹⁵

Ҳозирги рақобат шароитида вилоятдаги асал етиштирувчи хўжаликлари сотиш бозорлари тадқиқотлари ва мижозларни жалб этишдаги маркетинг

¹⁵ Тадқиқотчи ишланмаси

воситаларидан кам фойдаланмоқда, аниқроғи хали уларда бундай жараёнларга эҳтиёж мавжуд эмас. Сабаби асал ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг асосий маҳсулоти хом-ашё бўлганлиги сабабли унинг харидорлари аниқ. Бироқ асални қайта ишловчи корхоналар камсонли бўлганлиги сабабли жаҳон бозорига чиқиш ҳам жуда кучли ҳаракатлар мажмуаси зарурлигини бозор номоён этмоқда. Шунинг учун мамлакатимизда корхоналарнинг бозор фаолиятига кўмаклашувчи махсус инфратузилмалар шаклланди ва уларнинг фаолияти ривожлантирилмоқда. Савдога кўмаклашувчи институтлар ички ва ташқи бозорларда маҳсулотларни улгуржи ва чакана сотиш йўналишларини аниқ белгилаш, янги бозорларни ўзлаштириш, чет элда савдо уйлари ташкил этиш, логистик хизмат кўрсатиш, шартномалар имзолаш, ички кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш ва электрон савдоларни ташкил этиш ва ривожлантириш масалаларини ечишда корхоналарга кўмак бериб келмоқда.

Масалан АҚШ ва Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларни савдо жараёнлари самарали ташкил этишда аввало бозорлардаги савдо дўконларидан интернет дўконларида савдосини ташкиллаштириш самарали бахоланди.



3.2.4-расм. АҚШ ва Ривожланган мамлакатларда товарларни савдо жараёнлари самарали ташкил этиш жараёнлари босқичлари

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо юklarини жаҳондаги ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлакларини изчил шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш ва маҳсулотларни савдосида ўз стратегиямизни амалга оширишимиз лозим.”¹⁶ деган фикрлари маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларди савдосини ташкиллаштиришда маркетинг стратегиясидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади.

Шунинг учун биз Ўзбекистон асал маҳсулотларини етиштириш ва сотиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида чет мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Малумки интернет дўконлари ва телефон буюртмалари орқали савдони ташкиллаштириш бугунги кунда энг самарали усул ҳисобланмоқда.

Хитойда Alibaba.com АҚШда энг йирик Amazon ёки ebay.com сайтлари энг оммабоп интернет савдо дўконлари ҳисобланади. БУ интернет дўкони Америкадаги манзил учун сиздан ҳақ олмайди жуда тез фурсатда буюртмангизни етказиб беради. Wikishop.us ишчилари буюртмангизни олиши билан бир ҳафта ичида уни хоҳлаган мамлакатга етказишади. Wikishop.us сайти агар зарур бўлса қўшимча ҳақ эвазига сизнинг ўрнингизга буюртмани амалга ошириб бериши ҳам мумкин. Бунда сиз фақат қўшимча ҳақ тўлайсиз.

Нархлар 100 грам учун 1 \$ лекин энг камида 5 \$ тўлашингиз керак.

Сайт: Alibaba.com Amazon ёки ebay. com сфсайтлари кенг ассортиментли товарлар сотадиган ўзида жуда кўп маҳсулотни қамраб олган хитой ва АҚШ интернет дўконидир. Бутун дунёга 2 кг гача бўлган маҳсулотларни бепул етказиб бера оладиган, анча йиллардан бери ишончли фаолият юритаётган ажойиб сайт.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/uz/documents/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-o-22-12-2017>

Ушбу сайт орқали товарларни сотишнинг авзаллик томонишундаки:

1.Маҳсулотнинг кўплиги

Бу интернет магазинда сотиладиган нарсалар кўплиги ҳайратланарли, маҳсулотларни тури хилма хил ва барчаси ажойиб нархда таклиф этилади. Айниқса мобил телефонлари ва уларнинг аксесуарини жуда кўп турдагисини топиш мумкин. Ажойиб русча кўриниш ва доимий 24 соат ишлайдиган ва сизнинг саволларинга жавоб берадиган операторлар мавжуд, ўзингизни қизиқтирган нарсани оператор билан оддий суҳбат давомида билиб олишингиз мумкин.

2.Нархлар

Нархлар жуда оддий ҳамма нарса минимал нархларда ва сиз алиекспресс ёки бошқа интернет дўконда нари борса биров фарқи билан топишингиз мумкин. Жуда арзон ва жуда қиммат деб бўлмайди, ҳаммаси ўртача ва чиройли нархда. Сифатли интернет дўкони сифатли ўрам ва сифатли маҳсулот етказиб беради.

3.Акция, купон ҳамда чегирмалар

Тинйдеал.сомда чегирмалар ва акциялар унчалик ҳам баланд деб бўлмайди. Бу интернет дўкони акция ва чегирмаларга унчалик ҳам урғу бермайди, ва ҳайратланарли чегирмаларни қидириш нўтўғри, чунки бу сайт анчадан бери фаолият юритмоқда ва етарлича таниқли, фантастик чегирмалар тақдим этиб, мижозларни жалб қилишга уриниш камроқ. Аммо шундай бўлсада вақти келганда ажойиб акциялардан фойдаланиб арзон нарсаларни харид қилиш мумкин. Кейин 200 \$ ошиқ нарса харид қилсангиз 10 % лик купон берилмоқда хозир.

4.Тўлов қилиш Тўлов қилиш деярли барча усуллари бор, киwi, webмонеi, пайпал, веструион юнион ва бошқалар. Ортиқча комиссия ва бошқалар олинмайди.

5. Етказиб бериш: Халқаро авиа почталар ва тезкор экспресслар.

Асаларичилик маҳсулотларини тўғридан – тўғри ишлаб чиқарувчи томонидан сотишининг яхши томонлари ҳам бор, корхона ўз маҳсулоти савдосини тўла назорат қилади. Бундай усул билан оддий ассортиментли товарлардан кумир, утин, нефт маҳсулотлари, тез бузилувчи нон, сут, гўшт ва хоказолар сотилиши афзалроқ ҳисобланади. Аммо қолган товарларни сотишда мустақил улгуржи ва чакана савдо фирмаларининг қатнашиши жаҳон тажрибасида синалган самарали йўлдир.

Бизнинг фикримизча вилоятда асал маҳсулотларини сотиш тизими тўла шаклланмаган. Шунинг учун, вилоятда асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ўзларининг махсус чакана савдо шахобчаларини ташкл этиш мақсадга мувофиқ. Махсус чакана савдо шахобчалари орқали корхоналар асал истеъмолчилари билан энг қулай усулларда алоқа қилиш имкониятини яратиб беради. Махсус чакана савдо шахобчаларида таклиф этилаётган товарларини бошқа товарларга нисбатан рақобатбардошлигини баҳолашда, товарларини рекламасини қилишда, турли акциялар ташкил этиш ва ассортимент сиёсатини ишлаб чиқишда асосий восита сифатида хизмат қилиши керак.

Вилоятимизда электрон савдонинг ривожланиши ҳам асал маҳсулотларни ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кўплаб корхоналар ўзларининг ВЕБ сайтларига эга ва унда маҳсулотлар намойишларини каталогларини жойлаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон ССПнинг вилоят бошқармаси томонидан вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларига нисбатан жаҳон бозоридаги эҳтиёжни қондириш ва экспортга йўналтиришга кўмаклашиш мақсадида бошқарманинг **www.uzbusiness.org** веб-сайтининг on-line ярмаркаси бўлими орқали маҳсулотларнинг кенг миқёсда реклама қилиш ва экспортга йўналтиришга эришилмоқда.

Юқоридаги амалга оширилаётган амалий ишлар асал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжаликларининг маркетинг фаолиятларини янада ривожлантиришга асос бўлмоқда.

Бироқ, вилоятимизда интернет орқали маҳсулотлар савдосини амалга ошириш хали йўлга қўйилмаган. Корхоналаримиз фақатгина интернетдан маҳсулотларни рекламасини ташкил этиш ва ўзлари тўғрисида маълумотлар тарқатиш билангина шуғулланмоқда. Реклама агентликларига мурожатлар ҳам йўлга қўйилмаган. Шунга қўра вилоятда енгил ночор корхоналар фаолиятини соғломлаштириш тадбирлари ва дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг улугржи ва чакана савдосини ривожлантириш масалаларини алоҳида киритиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Кооперацион алоқаларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси фаолияти йўлга қўйилган. Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржаси 3 босқичда ташкил этилиб 2 босқичи ҳар йили ўтказиладиган вилоят саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасидир. Наманган вилоятида саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида иштирок этаётган корхоналарнинг маҳсулотлари ярмаркалари ўтказилади ва каталдоглари нашр этилиб махсус www.cooper.uz ВЕБ сайтига жойлаштирилиб бутун дунё бўйича эълон қилинади. Наманган вилоятида 100 дан ортиқ асалари хўжаликлар фаолият юритиб улар томонидан 10 га яқин маҳсулотлар ассортиментини ишлаб чиқарилмоқда ва ҳар йили янгиланиб бормоқда. Саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасининг маҳсулотлар каталогларида вилоятда фаолият кўрсатаётган 10 га яқин хўжаликларнинг маҳсулотлари намуналари жойлаштирилган ҳолас. Фикримизча, Асал маҳсулотлари чет эллик ҳамкорлар учун вилоятимизнинг ўзида доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма майдонларини ташкил этиш, интернет рекламасини ташкил этиб берувчи махсус фирмалар фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжудларини самарадорлигини янада ошириш чоралари кўриш мақсадга мувофиқ.

3.3 Асаларичилик махсулотларини етиштириш ва сотишда чет эл мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг сердаромад соҳаларидан бири бўлиб, республикамизнинг табиий иқлим шароити асалари оилаларини замонавий технологиялар асосида боқиш учун жуда қулай. Шу боис, бу тармоқни янада ривожлантиришга давлат томонидан катта аҳамият берилиши туфайли асаларичилик фермер хўжаликларининг сони йил сайин кўпайиб бормоқда.

Асаларининг қишлоқ хўжалик экинларини чанглатиб, ҳосилдорликни оширишда беминнат хизмати ҳам жуда катта. Мисол учун, ғўза ўсимлиги асаларилар билан чанглатилганда ҳосилдорлик 25 фоизга ўсиши, кўсаклар сонининг 12–13 фоизга кўпайиши, уларнинг етилиш муддатларининг тезлашиши, чигитнинг унувчанлик қобилятининг ортиши ва пуч уруғларнинг камайиши илмий жиҳатдан исботланган.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, мамлакатимизда асал ишлаб чиқариш бўйича мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани боис асалари оилаларининг маҳсулдорлиги 20 килограммдан ошмаяпти. Бу жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан анча паст. Демак, асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, асал етиштиришнинг замонавий технологияларини кенг жорий этиш ва юқори технологик усуллардан фойдаланиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳадаги бу ва бошқа муаммоларни ҳал этиш ҳамда ривожланишнинг устувор вазифаларини белгилаб олишда дастуриламал бўлаётир.

Юртимизда фаолият юритаётган асаларичиларни бирлаштириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ташкил этилмоқда. Уюшмага аъзо хўжаликлар четдан олиб келадиган асаларичилик соҳасида қўлланиладиган ускуналар, асалари

уяларини ташиш учун махсус транспорт воситалари, асалари касалликлари ва зараркунандаларига қарши қўлланиладиган ветеринария дори воситалари, препаратлар, мумпарда ва мум маҳсулотлари 2023 йилгача божхона тўловларидан озод этилди.

Шунингдек, асалари наслчилигини кенг йўлга қўйиш, асални қайта ишлайдиган ҳамда кадоқлайдиган кичик корхоналар ташкил этиш керак. Шунда асал янада кўпаяди, бозорларимиз сифатли, тоза, арзон бол билан тўлади.

Қарорда Ўзбекистон асаларичилари уюшмасининг “Апимондия” халқаро асаларичилик уюшмалари федерациясига аъзо бўлиши назарда тутилган. Уюшмани ташкил этиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ барча харажатлар ҳамда “Апимондия” федерациясига аъзо бўлиб кириш, аъзолик бадали тўлови дастлабки уч йил давомида “Алоқабанк” маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда асаларичилик соҳасида 12 мингдан ортиқ тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2017 йилда 12 минг тонна асал етиштирилди. Бу 2016 йилга нисбатан 1,2 марта кўпдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, асал етиштириш тармоғида қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, асалари оилаларининг маҳсулдорлиги 20 килограммдан ошмайди, бу жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан ҳам пастдир. Асаларичилик соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, асал етиштиришнинг замонавий технологияларини кенг жорий этиш ва юқори технологик усулларида фойдаланиш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

"Ўзбекистон асаларичилари" уюшмасини ташкил этилди. Уюшма асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, асалари пакетлари етиштириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, асал етиштириш жараёнига илмий асосланган

усуллар ва замонавий технологияларни жорий этиш вазифалари билан шуғулланади.

Уюшма тизимида жойларда асаричилик тармоғи ташкилотлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича 13 та доимий вакил киритилди. "Ўзбекистон асаричилари" уюшмасининг "Апимондия" халқаро асаричилик уюшмалари федерациясига аъзо бўлиши назарда тутилган.

Шунингдек, асаричилик соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида. Асаричилик соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Фарғона давлат университетида зоотехника факультетини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш топширилган.

АТ "Алоқабанк" ҳузурида масъулияти чекланган жамият шаклида лизинг компанияси ташкил этилади, унга тижорат банклари кредитлари ва лизинг компаниясининг ўз маблағлари ҳисобидан асалари уялари, улар учун зарур жиҳозлар, анжомларни ва асаричилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар, махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асални қадоклаш технологик линиялари ва бошқа лизинг объектларини лизинг асосида етказиб бериш вазифаси юклатилган.

Асаричилик хўжаликлари томонидан асал йиғиш мавсуми давомида ўрмон фонди ерларидан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан, тоғ ва тоғолди ҳудудларидан, табиий пичанзор ва яйловлардан ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш бепул амалга оширилади.

Тасдиқланган рўйхат бўйича "Ўзбекистон асаричилари" уюшмасига аъзо ташкилотлар томонидан олиб келинадиган насли материаллар, асаричилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар ва ускуналар, асалари уяларини ташувчи махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асалари касалликлари ва зараркунандаларига қарши қўлланиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратлар, асалари уялари ишлаб чиқариш учун ёғоч ва зарур материаллар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, мумпарда ва мум

маҳсулотларини 2023 йил 1 январигача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этиш бўйича имтиёз берилди.¹⁷

Руминияда асаларичилик бўйича янги технологиялар, ари касалликларини аниқлаш ва даволаш борасидаги янгиликлар маълум қилинади. Соҳани ривожлантиришга тегишли илмий асосланган усуллар ва янги ишланмалар кенг муҳокама қилинади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда кенг тарқалган асалари зотлари касалликка чидамлилиги, иқлим-шароитга мослашувчанлиги, яхши асал бериши каби жиҳатлари ҳисобга олиниб танланган. Булар сирасига «Карпат», «Кавказ», «Карника» «Украина», «Италянка» ва «Кавказ тоғ» кулранг зотлари ва маҳаллий асаларилар киритилган бўлиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида парвариш қилинмоқда. Келгусида уларнинг наслини янада яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш чоралари кўрилади. (3.3.1-жадвал)

3.3.1-жадвал

Асалари иласи турлари ва унинг ҳосилдорлиги

№	Асалари оиласи тури	Оилани етиштирадиган давлатлар	Асал тайёр бўлиш вақти ва ҳажми (кг)	
			Баҳор	Куз
1	Карпат	Украина Россия	6,0 кг	8 кг
2	Карника	Германия, Туркия	5,0 кг	6,5 кг
3	Италянка	Украина, Италия	6 кг	7,5 кг
4	Украина	Германия, Малазия	5,0 кг	7,5 кг
5	Кавкар	Россия	6 кг	8 кг

Манба: Интернет маълумоти асосида тайёрлани

Янгиқўрғон туманида бугунги кунда жами 20 дан ошртиқ асал етиштирадиган субъектлар мавжуд бўлиб, уларнинг битта оиладан олаётган асал миқдори йилига 20 кг дан ошмаяпти. Ҳозирда туманда энг самарали асаларилар “Карпат”, “Италянка” каби турлари фойдаланилади. (3.3.2-жадвал)

¹⁷ more: <https://sputniknews-uz.com/economy/20171018/6584183/Ozbekistonda-asal-yetishtirishni-50-foizga-kopaytirish-rejalashtirilgan.html>

3.3.2-жадвал

Янгиқўрғон туманида асаларичилик билан шуғулланадиган хўжаликлар ва улардаги асалари оилаларида етиштирилаётган асал миқдори

№	Хўжаликлар номи	Фойдала надиган асалари тури	2016 йил		2017 йил		2017 йилни 2016 йилга нисбати %	
			Оила сони	Асал миқдори кг	Оила сони	Асал миқдори кг	Оила сони	Асал миқдори кг
1	“Абдурахмонов Махаммаджон” ф/х	Бакфаст	45	495	47	564	104,4	113,9
2	“Жўраев Ғайратжон” ф/х	Карпат	44	594	55	658	125,0	110,7
3	“Қодиров Хикмат” ф/х	Карника	25	262,5	20	220	80,0	83,8
4	"Ибрагимов Гофуржон" ф/х	Италянк а	33	422,4	40	520	121,2	123,1

Манба: Янгиқўрғон туман иқтисодиёт бошқармаси маълумотлари асосида

тайёранди.

Вилоят асаларичилик ишлаб чиқарилишини таҳлил қилар эканмиз 2017 йилда вилоят аҳоли сони 2675,7 минг кишини, жами ишлаб чиқарилган асал миқдори 531 тоннани ташкил қилди. Киши бошига асал миқдори 198 граммдан тўғри келди. Бу жуда кам кўрсаткич бўлиб жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари хажмидан анча паст. Мисол АҚШда бир киши бир йилда 1,5-1,9 кг асал истеъмол қилар экан.¹⁸ Бир йилда бир киши 2055 грамм асал истеъмол қилиш керак. Демак вилоятда киши бошига -1857 грамм Янгиқўрғон туманида эса -1795 грамм асал кам етиштирилмоқда бу эса аҳолини тўлақонли эҳтиёжини қондирмаяпти. Битта оила бир йилда 20 кг асал беради деб олсак бизга зарур бўлган эҳтиёж 2017 йилда 2 675,7 минг кишини 2,05 кг кўпайтирамиз ва бизга 5498,5 тонна асал зарур бўлар экан.

Лекин лойиха дастурларни инобатга олиб 2021 йилда аҳоли сони вилоятда 4963,1 минг кишини ташкил қилади ва ишлаб чиқариш кўрсаткичи

¹⁸ интернет сайти маълумоти

7653 тоннани ташкил қилиб эҳтиёжни 514 граммгача кам қондиришга эришишимиз мумкун.

3.3.3-жадвал

Янгиқўрғон туманида асаларичилик билан шуғулланадиган хўжаликлар ва улардаги асалари оилаларида етиштирилаётган асал миқдори

№	Шаҳар ва туманлар номи	2017 йил				2021 йил			қондирилмаган эҳтиёж (2055 грамм)+-
		Ўртача аҳоли сони минг.киши	тонна	аҳоли жон бошига грамм	қондирилмаган эҳтиёж (2055 грамм)+-	Ўртача аҳоли сони минг.киши	тонна	аҳоли жон бошига грамм	
	Вилоят	2 675,7	531	198	-1857	4963,1	7653,1	1541	-514
1	Наманган ш.	594,9	21	35	-2020	654,2	1008,7	1541	-514
2	Мингбулоқ	119,6	7	58	-1997	300,2	4629,0	1541	-514
3	Косонсой	197,8	34	171	-1884	403	6214,3	1541	-514
4	Наманган т	190,1	109	57,3	-1998	405,2	6248,1	1541	-514
5	Норин	156,1	29	185	-1870	360	5551,3	1541	-514
6	Поп	209,6	107	51	-2004	410,1	6323,7	1541	-514
7	Тўрақўрғон	214,1	26	12	-2043	420,1	6477,9	1541	-514
8	Уйчи	201,5	59	292	-1863	410,1	6323,7	1541	-514
9	Учқўрғон	163,8	28	170	-1885	370,1	5706,9	1541	-514
10	Чортоқ	189,1	31	163	-1892	390	601,3	1541	-514
11	Чуст	253,0	26	102	-1953	430	663,0	1541	-514
12	Янгиқўрғон	207,1	54	260	-1795	410,1	632,3	1541	-514

Манба: Талаба лойихаси

Битта оила 20 кг бера олишни инобатга олиб, бизга бугунги кунда зурур бўлган асал миқдори 5498,5 тонна, бу кўрсаткични 20 га бўлсак бизга 274925 асалари оилази зарур бўлади. Энг кўп асал этиштирадиган асалари КАРПАТ, ИТАЛЯНКА, КАВКАЗ ТОҒ керак бўлади. Бу асаларилар тури касалликга чидамли ва кўп асал беради.

Асаларининг нормал оиласи 50–80 минг ишчи асалари, юзларча эркак асалари ва битта она асаларидан ташкил топади.

Асаларичиликда шу пайтгача ҳали инсон томонидан бирорта ҳам асалари зотлари яратилмаган. Шунга қарамасдан ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитига мослашган асалари зотлари бор.

Республикамизда табиат қонунлари бўйича, табиий саралаш оқибатида бир-биридан морфологик ва ҳўжалик фойдали кўрсаткичлари ҳамда ҳудудий номини олган маҳаллий популяциядаги асаларилар мавжуд.

Булар республикамизда кенг тарқалган ва иқлимга мослашган. Шунинг учун бу асалари зотини хонадонларда боқиш бошқа зот асалариларга нисбатан анча устун туради.

Асалари оиласининг асал бериш миқдори ва сифати турли омилларга боғлиқ. Умуман битта асалари оиласи уй шароитида ўртача 15–20 кг. гача асал бера олади. Агар асалари оиласи тўғри парваришланса ундан ҳам кўп асал олиш мумкин. Булар албатта, уларни серасал ўсимликлар жойлашган жойга кўчириб туришга ва асалари зотига боғлиқдир.

Асалари оиласини кучига қараб, албатта, кўп асал берадиган асалари оиласида рамкалар сони 10–15 та ва ундан ҳам кўп, асалари сони эса 50–60 минг атрофида бўлади. Бу рамкаларда 8–10 тагача очик ва ёпиқ насллар (қуртчалар) бўлиши лозим. Рамкалар орасидаги йўлакчалар асалари билан зич жойлашган бўлиши керак. Бу белгилар, албатта асалари оиласи кучли ва кўп асал тўплашидан далолат беради.

Асал тортиш мавсуми йил давомида 2–3 маротаба, айрим йилларда эса ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Асал тортиш мавсуми тугагач, асалари оиласи қишлоғга тайёрланади. Бунинг учун асалари оилаларида кўпроқ ёш

асаларилар бўлишини таъминлаш лозим. Ҳар бир асалари оиласига қишлоқ учун унинг кучига қараб 10–15 кг гача сифатли озуқа-асал қолдириш мақсадга мувофиқдир.

Карпат асаларининг иқтисодий самарадорлиги. (Германия)

Асалари оиласи тўғри парваришанса ва боқилса, битта асалари оиласидан ўртача 20-25 кг асал олинади.

- 1 та аслари оиласидан бир йилда 20 кг асал олинса, 5 та аслари оиласидан бир йилда 100 кг асал олинади.
- 1 кг асалнинг нарҳи бозорда 40 минг сўм, 100 кг асални нарҳи 4 млн сўмни ташкил қилади.
- 1 та асалари оиласини сотиб олиш харажати 350 минг сўм, қўшимча харажатларга 50 минг сўм сарфланса жами харажатлар – 400 минг сўм бўлади.
- 5 та асалари оиласини сотиб олиш учун жами харажат 400 минг сўмдан 2 млн сўмни ташкил этади.
- 5 та асалари оиласидан олинган 4 миллион сўм даромаддан 5 та асалари оиласи учун сарфланган жами харажатлар 2 миллион сўм олиб ташланса 1 йилда олинган соф фойда 2 млн сўмни ташкил этади.

Асалари оиласига яхши қаров ўтказиб, уларни гул ширасига бой ўсимликларга тез-тез кўчириб турилса, даромад ундан ҳам кўп бўлади.

Хулоса

Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобига аҳолининг асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда.

Асаларичилик соҳасини янада тараққий эттиришда Мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантириш ва кўпайтиришга катта эътибор берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 16 октябрдаги "Республикада асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қарор билан асал етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга, асалари пакетлари билан хўжаликларни таъминлашга, асал етиштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга йўналтирилган 2017-2021-йилларда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу қарорга мувофиқ асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017-йилдаги 15,4 минг тоннадан 2021-йилга бориб 23,7 минг тоннагача етказиш назарда тутилган.

Асаларичиликка ихтисослашган фермерлик хўжаликларга эътибор қаратилиб, қишлоқда мулкдорлар синфини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аграр сиёсат туфайли республикада асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми барқарор ўсмоқда.

Бугунги кунда Янгиқўрғон туманида 2018 йилга келиб давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес субъектларининг сони 704 тани ташкил этиб, улардан 132 таси (18,7 фоизи) саноат соҳасида, 72 таси (10,2 фоизи) қишлоқ, ўрмон, ва балиқчилик соҳасида, 58 таси (8,2 фоизи) қурилиш соҳасида, 274 таси (38,9 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасида, 27 таси (3,8 фоизи) яшаш ва овқатланиш хизматлари соҳасида, 17 таси (2,4 фоизи) ва бошқа

соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда. Иқтисодиёт тармоқларидаги жами банд аҳолидан кичик корхона ва микрофирмаларда банд бўлганлар сони 10,4 минг кишини (ўтган йилга нисбатан 100 фоиз), шундан фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 9,2 минг кишини (ўтган йилга нисбатан 101,2 фоиз), деҳқон хўжаликларида банд бўлганлар сони 11,4 минг кишини (ўтган йилга нисбатан 100 фоиз)га ортишига эришилди. Асаларичилик билан шуғулланадиган тадбиркорлар сони 2016 йилга қараганда 105,2 фоизга ортиб 56 тани ташкил қилди. Улар томонидан жами 54 тонна асал ишлаб чиқарилди.

Туманда асаларичилик учун қулай шароит бўлига қарамадан вилоятимизда ПОП, Косонсой туманларидан кейинги поғаналарда туради.

Туман асаларичилик фермер хўжаликлар асал маҳсулотларини ишлаб чиқаришда камчиликлар мавжудлиги тадқиқот ишимда аниқланди:

- Туманда асаларичилик учун қулай иқлим ва географик жойлашуви бўлишидан қарамадан бу соҳа учун кам эътибор берилмоқда;
- Туманда ва вилоятимизда ҳам асаларичилик фермер хўжаликлар учун махсус асалариларни даволаш марказлар мавжуд эмаслиги;
- Вилоятимизда асаларичилик билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари учун махсус ўқув курслари ташкил қилинмаганлиги;
- Республикамиз Асал етиштиришда марказий Осиёда биринчи ўринда туришига қарамадан асал маҳсулотлари экспортини самарали йўлга қўйилмаганлиги туманда ҳам бу борада фермерлар учун амалий кўмак кўрсатилмаётганлиги;
- Туманда асаларичилар уюшмаси йўлга қўйилмаганлиги каби бир қатор камчиликлар аниқланди.

Янгиқоргон туманида асаларичиликни ривожланишида маркетинг таомойилларидан фойдаланиш такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- фермер хўжаликларига асараричиликни самарали йўлга қўйишлари учун туманда ўқув курсларини жорий қилиш;
- сотишнинг илғор усуллуари “бўйортмага асосан”, “электрон савдо” “Интернет” каби турларини асараричилик хўжаликларда қўллаш лозим. Бунинг натижасида ички ва ташқи бозорлар хардорлар билан асосҳқани самарали йўлга қўйилади.
- тадбиркорлик фаолияти учун ҳукумат томонидан қабул қилинаётган қонун қарорлар мазмунини етказиш ;
- тадбиркорларни ярмаркалар, танловлар, замонавий янги технологиялар кўргазмаларида қатнашишини таъминлаш;
- асараричилик хўжаликларни модернизациялашга, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилишга кўмаклашиш;
- тадбиркорларни малакасини ошириб бориш ва асараричиликда қўлланилаётган инновацион янгиликларни узлуксиз ҳабардор этиш;
- туманда асарари қасаллигини даволайдиган маҳсус марказларни жорий қилиш;
- асалал маҳсулотларини экспорти учун хориж мамлакатларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва уни сотишда маркетинг стратегиясидан фойдаланишни сумарали йўлга қўйиш;
- янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этаётган ва ИСО – 9000:2000 стандартни бошқариш тизимига ўтишга киришган тадбиркорларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашдир.

Демак, олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, маркетингни қўллаш жараёни ва уни янада такомиллаштириш жуда кўплаб омиллар таъсирида шаклланиб, Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган истеъмол маҳсулотлари бозорида эришилган илмий ва амалий натижалар, улардан олинган хулосалар ва таклифлар асал савдосини ривожланиши учун муҳим йўналиш ҳисобланади ва бу жараён мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим вазифалардан бирини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлари Маҳкамаси қарорлари, низомлари, Президент фармонлари ва асарлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мулк тўғрисида”ги 1990 йил 31 октябрдаги Қонуни.
2. «Хусусий корхоналар тўғрисида» 2003 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2012 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 16 июн сони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси 2005 йил 25 июн сони.
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низоми
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо - саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2004 йил 7 июлдаги фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “бир дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2412-сон қарорида белгиланган белгиланган 16 та

кўрсатилаётган давлат хизматлари тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 8 августдаги ПҚ-2022 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4483 сонли “Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” Қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сонли қарори
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 майдаги «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5057-сонли фармони
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 июндаги «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 3077-сонли қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги "Маҳаллий экспортёр корхоналарни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3157-сон қарори
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” қарори

II. Махсус адабиётлар ва қўлланмалар.

17. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари Т.: Меҳнат, 2000
18. Абатуров В., Пугач Г. И др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы.
19. Абалкин Л. Экономические реалии и абстрактные схемы. Ж.Вопросы экономики, 1996 г №2.
20. Гуломов С.С. Тадбиркорлик асослари. Тошкент, 2001 йил.
21. Ходиев Б.Ю ва б.қ.лар. Кичик бизнесни бошқариш Тошкент., Ўқитувчи, 2008 й.
22. Менежмент ва бизнес асослари. Дарслик (Академик С.С.Гуломов тахрири остида) Тошкент, Меҳнат 1997 й.
23. Тадбиркорларнинг энциклопедик луғати. Тузувчи С. М. Синельников ва бошқалар , СПБ «Алга-Фонд», «Аякс», 2009
24. Саноат ишлаб чиқариш иқтисоди ва уни ташкил қилиш. Тошкент, 2009 й.
25. Солиев.А., Бузрукхонов. С “Маркетинг-бозоршунослик” Т 2010
26. Шумпетер И. Теория экономического развития исследования предпринимательского прибули, капитала, кредита процента и цикла конъюнктурѣ. Москва, Пргресс, 1982 г.
27. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. Перевод с английского, Москва, Прогресс, 1990 г.
28. Худайбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства. Ташкент, 2002 г.
29. Ўлмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, Меҳнат, 1995 й.
30. Р.Х.Пўлатова “Асаларичилик фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш” Т.2016
31. , Н.Ф Кратин , Ш.Рогов “Ўзбекистонда асаларичилик” Т.: Фан, 1980,
32. Крахотин Н. Ф. и др. Механизация пчеловодства и па-сечной инвентар. – Т.: Меҳнат, 1987,

33. Подольский М. С., Котова Г. А., Буренин А. А. Прамиш-ленное пчеловодства. – М.: Высшая школа, 1984, Т.Ш Акмалхонов “Асаларичилик” – Т., 2000.,
34. Кирьянов Ю.Н. “Пчеловодный инвентарь и пасечное оборудование: учеб. для сред. спец. учеб. заведений” Мир, 2004,

III. Статистик тўпламлар.

35. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари.
36. Наманган вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

IV. Илмий – оммабоп нашрлар.

37. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали, 2014-2017 йил сонлари.
38. “Бозор, пул, кредит” журнали 2014-2017 йил сонлари.
39. “Халқ сўзи” газетаси, 2014-2017 йил сонлари.
40. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали, 2017йил сонлари.

V. Интернет маълумотлари.

41. www.5balov.ru.
42. www.piter.com.
43. www.ziyo.edu.uz.
44. www.referat.ru.
45. <http://www./rambler.ru/>.